Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 2 июль 1968 йил, сешанба ◆ № 152 (14014). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ХУШХАБАР[illegible]ДАН ТАШҚАРИ СУТ

Қишлоқ меҳнаткашлари эришаётган ютуқлар ҳақида редакцияга жуда кўп хушхабарлар келиб турибди. Қуйида шулардан баъзиларини келтирамиз:

САМАРҚАНД. Беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб ишлаётган Хатирчи районининг ғаллакорлари улкан ғалабани қўлга киритишди. Ғалла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан ўтказилаётганлиги туфайли давлатга дон сотиш йиллик плани 107,6 процент адо этилди.

Районнинг бу муваффақиятига «Мойбулоқ», «Олтинсой» совхозлари, Калинин номли, Карл Маркс номли, «Ўзбекистон» ҳамда «Мос[illegible] топшир[illegible] сўз беришди.

ҚАШҚАДАРЁ. Қамаши райони меҳнат аҳли давлат омборларига 7530 тоннадан зиёдроқ сара дон тўкиб, йиллик планнинг муддатидан анча илгари ошириб адо этилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Айни вақтда мулкий уруғлик фонди яратилди, чорва моллар учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилди.

Район хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон сотиш қизғин давом этмоқда.

[illegible]НАМАНГАН («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга сут сотиш ярим йиллик плани муддатидан илгари 29 июнда ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига пландаги 10648 тонна ўрнига 10655 тонна сут топширилди.

Эришилган муваффақиятга 2250 тонна сут тайёрлаган Чуст, 2050 тонна сут тайёрлаган Учқўрғон ва 1300 тонна сут тайёрлаган Уйчи, шунингдек планни муддатидан илгари адо этган Янгиқўрғон, Зарадёр районларининг хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар.

А. МАДУМАРОВ.

ЮҚОРИ Чирчиқ районидаги машҳур «Политотдел» колхозининг деҳқонлари ғўзани намунали парвариш қилиб, нун сайин яшнатишяпти. Улар айниқса экинни суғоришга алоҳида эътибор беришяпти. Чунки сифатли культивация қилинган ва озиқлантирилган ғўзага шу кунларда берилаётган об-ҳаёт малҳам бўлади. Чапдаги суратда уста сувчи Мирали Йўлдошев ғўзага сув тараяпти. Ўнгдаги суратда эса колхозчи Болтабой Ойтоев ва бригада бошлиғи Лин-Ден Хак суғоришга тайёрлаб қўйилган майдондаги ғўзанинг аҳволи билан танишмоқдалар.

И. Глауберзон фотолари.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ГДРДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний 1 июлда Берлиндан Москвага қайтиб келди. У Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт туғилган кунга 75 йил тўлиши муносабати билан ГДРга борган эди.

Н. В. Подгорний В. Ульбрихтга КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг табригини, шунингдек Октябрь Революцияси орденини топширди. В. Ульбрихт жаҳон коммунистик ҳаракатида кўп йил актив қатнашганлиги, тинчлик ва социализмни, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги жуда катта хизматлари учун, туғилган кунига 75 йил тўлганлиги муносабати билан шу орден билан мукофотланган эди.

(ТАСС).

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Ватанига қайтаётиб Москвада меҳмон бўлган Вьетнам Демократик Республикаси ва АҚШ раҳбарларининг Париждаги расмий суҳбатларида Вьетнам делегацияси бошлиғининг махсус маслаҳатчиси Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ле Дик Тхони 30 июнда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин қабул қилди.

Суҳбат қардошларча дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Шу куниёқ А. Н. Косигин ўртоқ Ле Дик Тхо шарафига зиёфат берди.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ ЮЗАСИДАН КЕНГАШ-СЕМИНАР

МИНСК, 1 июль. (ТАСС). КПСС XXIII съезди қарорлари асосида қишлоқларни қайта қуриш ишлари тажрибаларини алмашиш юзасидан бугун бу ерда кенгаш-семинар очилди. Кенгашга иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари ва Министрлар Советлари раисларининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, СССР ва иттифоқдош республикалар министрлари, партия ходимлари, ўлка ва областларда қишлоқ қурилиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар келиш[illegible]

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госстройи раиси И. Т. Новиков «КПСС XXIII съездининг қарорлари асосида қишлоқларни қайта қуриш юзасидан олиб бориладиган ишларнинг ташкилий ва техника даражасини янада ошириш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўқувчиларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш ишидаги катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1968 йил 1 июлдаги Фармонига мувофиқ, ўрнак кўрсатган ўқитувчилардан бир группасига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болга» олтин медалини топширди.

Мукофотланганлар орасида Самарқанд шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси Маҳкам **Нарзиқулова**, Фарғона область, Қўқон шаҳридаги А. Умарий номли 3-ўрта мактаб ўқитувчиси Юсуп **Усмонович Усмонов**, Тошкент шаҳридаги А. Ҳидоятов номли 14-ўрта мактаб ўқитувчиси Оқилхон **Шарофиддинов** бор.

ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДОКТОР ЗОКИР ҲУСАЙННИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шу йил январь ойида расмий визит билан Ҳиндистонда бўлган вақтида СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан Ҳиндистон Президенти Зокир Ҳусайнни расмий визит билан Совет Иттифоқига ташриф буюришга таклиф қилган эди. Ҳиндистон Президенти бу таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди.

Узаро келишувга биноан Ҳиндистон Президенти Зокир Ҳусайн 1968 йил июль ойининг биринчи декадасида Совет Иттифоқига келади.

ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТМАСЛИК ТЎҒРИСИДА МОСКВАДА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг давом эттирилган XXII сессияси ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани 1968 йил 12 июнда маъқуллади. Шу шартномада, Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия депозитарий-мамлакатлар бўлиб қолиши кўзда тутилади.

Шунга мувофиқ, депозитарий-мамлакатлар [illegible] июнда Москвада, Вашингтонда ва Лондонда имзоладилар.

Москвада шартномани Совет Иттифоқи номидан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, Буюк Британия номидан — Буюк Британиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси сэр Жефри Харрисон, АҚШ номидан — Қўшма Штатларнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ллуэллин Е. Томпсон имзоладилар.

Шартномани ўз давлатлари номидан Венгрия Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Янош Петер, Болгария Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Иван Башев, Ирландия бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Фрэнк Эйкен, Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Отто Винцер, Австрия элчиси Вальтер Водак, Чехословакия Социалистик Республикасининг ташқи ишлар министри Иржи Гаек, Эрон элчиси Аҳмад Мирфандараски, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг вазифасини бажарувчи Юзеф Виневич, Румыния Социалистик Республикасининг ташқи ишлар министри Корнелиу Мэнеску, Непал элчиси Бал Чандра Шарма, Монголия Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Д. Чимиддорж, Финляндия элчиси Яакко Халлама, Сурия Араб Республикасининг муваққат ишлар вакили А. Жуман-Ога, Тунис Республикасининг элчиси Нажиб Буэнрий, Сенегал Республикасининг элчиси Медуна Фал, Дания элчиси Анкер Сварт, Исландия элчиси Оддур Гудйонсон, Греция элчиси Ангелос Влахос, Янги Зеландия номидан Буюк Британия элчиси сэр Жефри Харрисон, Лаос элчиси Фаяя Буаси, Ливан Республикасининг элчиси Наим Амуни, Бирлашган Араб Республикасининг элчиси Муҳаммад Мурод Голиб, Малайзиянинг муваққат ишлар вакили А. З. Обидин, Афғонистоннинг муваққат ишлар вакили П. М. Кушоний, Цейлон элчиси М. В. П. Пийрис, Ироқ Республикасининг элчиси Муҳсин Х. Алҳабиб, Гана Республикасининг муваққат ишлар вакили Э. Агорсор, Марокашнинг муваққат ишлар вакили А. Бушаъра, Нигерия элчиси Жорж Т. Курубо, Норвегия элчиси Ивар Лунде, Чад Республикасининг элчиси Брюно Бойяди, Кипрнинг муваққат ишлар вакили Ф. Федонос ва Сомали Республикасининг элчиси Али Ҳасанали — 36 давлат вакиллари имзоладилар.

Шартномани имзолаш чоғида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш, СССР Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитетининг раиси А. М. Петросьянц, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари В. В. [illegible], В. М. Виноградов, С. Н. [illegible]древ, А. А. Орлов, Н. П. Фирюбин, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари И. Н. Земсков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия аъзолари Л. М. Замятнин, Г. М. Корниенко, В. И. Лихачев, К. В. Новиков, В. М. Фалин СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудирлари Е. Н. Громов, С. П. Киктев, Ф. Ф. Молочков, А. А. Фомин, О. Н. Хлестов, А. Д. Шчиборин, қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи ўн саккиз давлат комитетидаги СССР вакили А. А. Рошчин, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, шунингдек Москвадаги бир қанча элчихоналарнинг дипломатик ходимлари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Стратегик қуролланиш пойгасини тийиб туришга тааллуқли масалалар устида бўладиган музокаралар олдидан

СССР ҳукумати билан АҚШ ҳукумати ҳужумкор стратегик ядро қуролини эл тиб қўйиш системаларини ҳам, шунингдек баллистик ракеталардан мудофаа системаларини ҳам комплекс равишда чеклаб қўйиш ва қисқартириш хусусида яқин фурсатда музокаралар бошлаш тўғрисида битимга келишди.

СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. КОСИГИННинг нутқи

Ҳурматли ўртоқлар ва жаноблар!

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари бўлган давлатларнинг катта кўпчилиги маъқуллаган мана шу муҳим ҳалқаро ҳужжатни бугун имзолаш бошланаётганлиги муносабати билан Совет ҳукуматининг топшириғига биноан чиқиб мамлакатимиз раҳбарларининг эътиборини ушбу муҳим ҳужжат тўғрисидаги шартноманинг тузилиши тинчлик йўлидаги катта муваффақиятдир. Ядро қуроли пайдо бўлган пайтдан бери Совет Иттифоқи инсониятни ядро хавфидан халос қилишни қатъият ва изчиллик билан талаб қилиб келди. Шартнома мана шу мақсад йўлидаги муҳим қадамдир, чунки у ядро қуролининг янада тарқалишига ғов солади, бу билан ядро урушининг бошланиб кетиш хавфини камайтиради.

Бугун шартномани имзолашда давлатларнинг кенг доираси қатнашаётганлиги шуни яққол кўрсатиб турибдики, бутун инсоният учун ҳаётий муҳим бўлган мураккаб ҳалқаро проблемаларни ўзаро мақбул бўладиган равишда ҳал қилиш йўлини давлатлар топишлари мумкин. Шартномани ишлаб чиқиш катта куч-ғайрат ва узоқ музокаралар олиб боришни талаб қилди. Бу музокараларда турли социал системалардаги давлатлар, ядроли ва ядросиз, катта ва кичик, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар қатнашди. Шартнома давлатлар томонидан айтилган жуда кўп истакларни ва таклифларни акс эттиради, ядро қуролини тарқатмаслик проблемасини ҳал қилиш борасидаги турли нуқтаи назарларни ҳисобга олади ва шу билан бирга, шартноманн маъқуллаган давлатларнинг ҳаммаси ядро қуролининг тарқатилишига йўл қўймаслик зарур деган асосли масалада бамаслаҳат бир фикрга келдилар.

Шартномада қатнашувчи ядросиз мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминловчи гарантиялар тўғрисида янгидан Хавфсизлик Кенгашида қабул қилинган қарор бу шартномага муҳим илова бўлди. Хавфсизлик Кенгашида айтиб ўтилганидек, Совет ҳукумати бу қарорни оғишмай бажариш ниятидадир.

Бундан беш йил муқаддам шу ерда, Москвада биз уч муҳитдаги ядро синоларини тақиқлаш тўғрисидаги шартномани имзолаган эдик. Сўнгра космик фазодан ҳарбий мақсадлар учун фойдаланишни тақиқловчи шартнома тузилди. Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома билан бирга, мана шу шартномаларнинг ҳаммаси қуролланиш пойгасини чеклаш йўлида қўйилган амалий қадамлар бўлиб, қуролсизланиш соҳасида олга бориш учун анча қулай шароит яратиб беради.

Совет ҳукумати ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномада қатнашчиларига ядро билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро қуролини тарқ қилиш борасида самарали чоралар кўриш тўғрисида холис ниятлик билан музокаралар олиб бориш мажбуриятини юклаган қоидаларга катта аҳамият бериб, қуролланиш пойгасини тўхтатишнинг ва қуролсизланишнинг кечиктириб бўлмас баъзи чоралари тўғрисида, шу жумладан, ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш, ядро қуролини ишлаб чиқаришни тўхтатиш, бу қуролнинг запасларини қисқартириш ва тугатиш, стратегик қуролни эл тиб қўйиш воситаларини чеклаб қўйиш ва кейин қисқартириш каби чоралар тўғрисида қарор қабул қилди ва барча ҳукуматларга меморандум йўлладик. Совет ҳукумати бу меморандумга гоят катта аҳамият беради, чунки у тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатдир. Қуролсизланиш борасида Совет ҳукумати таклиф қилаётган чораларни бир йўла ёки босқичма-босқич амалга оширилиши [illegible] пойгасини тўхтатиш [illegible] проблема[illegible] равишда ҳал қили[illegible] ишига қўшилган [illegible] бўлади.

Жаҳон да[illegible] матлари мемо[illegible] ган даражада [illegible] чиқадилар де[illegible] ролсизланиш[illegible] шуғулланув[illegible] фурсатда ў[illegible] юборадиган[illegible] ча ва кон[illegible] нама қил[illegible] тижасида [illegible] кутаётган [illegible] ҳасида к[illegible] щиш му[illegible] умид би[illegible] сиз.

ДЎСТ, ЁЗУВЧИ, ВАТАНПАРВАР БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Ўзбекистон пойтахти республика халқ ёзувчиси, олим, жамоат арбоби, Коммунистик партия ва халқнинг содиқ фарзанди, ўзбек бадиий адабиётининг бунёдга келиш ва ривожланиш ишига жуда катта ҳисса қўшган киши — Ойбек билан 1 июлда видолашди.

Минг-минглаб меҳнаткашлар — саноат корхоналари ва ўқув юртлари, қурилишлар ва илмий институтларнинг вакиллари, дала меҳнаткашларининг вакиллари ва қаламкаш биродарлар республика Олий Советининг мажлислар залига тўпланиб, севикли ёзувчи, ўз ижодида, ўз асарларида халқнинг Советлар ҳокимияти учун олиб борган улуғвор курашини, тинч далаларида ва Улуғ Ватан уруши жанглари майдонларида халқ фарзандлари кўрсатган жасоратни шуҳратлаган, улуғ Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодиётини ўз замондошларига ҳикоя қилиб берган киши билан сўнгги марта видолашдилар.

Марҳумнинг жасади қўйилган тобут устига чаман-чаман гуллар қўйилган, мотам музика садолари янграмоқда. Залга гулчамбардар келтирилиб турибди. Уларнинг қора ҳошияларига оғир жудолик, қалб нидоси сўзлари битилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, Ўзбекистон Фанлар академиясидан, ижодий союзлар, область ва шаҳар партия ҳамда совет жамоат ташкилотларидан, меҳнаткашлар коллективларидан, ёзувчининг дўстлари ва ёр-биродарларидан гулчамбарлар қўйилади.

Ойбекнинг қариндошлари ва яқин кишилари, унинг кўпдан-кўп дўстлари ва қаламкаш биродарлари тобут ёнида бирикетин фахрий қоровулликда турадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, республика ҳукуматининг раҳбарлари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Ойбекни дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари, адабиёт, фан ва санъатнинг таниқли арбоблари фахрий қоровулликда турадилар.

Мотам митинги бошланади. Митингни дафн қилишни ташкил этувчи ҳукумат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов очади.

Ўртоқ Р. Қурбонов халқ ва Коммунистик партиянинг шонли фарзанди, гоят истеъдодли сўз устаси, оташин ватанпарвар, таниқли олим мамлакатимиз халқлари дўстлигининг куйчиси, ҳаёти ва ижоди ўзбек совет адабиётининг қарор топиш ва ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган кишининг вафот этиши қайтариб бўлмас жудолик эканлигини айтди.

Митингда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, ёзувчилардан С. П. Бородин, Назар Сафаров сўзга чиқиб совет адабиётининг олтин фондига кирган Ойбек асарларини Даннадан тортиб, Тинч океан соҳилларигача чўзилиб кетган бепоён Ватанимизнинг барча халқлари ўқиганликлари ва бундан буён ҳам ўқияжаклари ҳақида тапирдилар. Ойбек халқнинг бир бўлаги эмас, балки халқнинг ўзидир, чунки у халқнинг меҳнатини, унинг қувончини, қайғусини ва жасоратини ўзида мужассамлаштирган эди. Ойбек бизнинг орамиздан кетгани йўқ, у бизнинг севимли ёзувчимиз, бизнинг улкан дўстимиз эди ва шундай бўлиб қоладн.

Ўзбекистон халқ ёзувчисининг хотирасига бағишланган мотам митингида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Н. Г. Ляшченко Н. М. Матчонов, М. М. Мусаҳонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Мотам митинги тугади. Мотам митинги қатнашчилари Чигатой қабристони томон йўл оладилар. Ойбек шу ерда дафн қилинди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартия[illegible] Комитетида қабул[illegible]

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бельгия Коммунистик партияси делегацияси[illegible] ди. Ш[illegible] легация[illegible] самимий[illegible] либ ўтд[illegible]

Суҳб[illegible] партияс[illegible] нинг се[illegible] симкин[illegible] ҳозир [illegible]

ТОШКЕНТ — ЗАРБД[illegible]

Ўзбекистон пойтахтида капитал қурилишни тубдан яхшилаш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масала Тошкент шаҳар партия комитетининг 28 июнда бўлган пленумида муҳокама қилинди.

Зилзиладан кейин шаҳарнинг қиёфаси таниб бўлмаслик даражада ўзгарди. Шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Окунский ўз докладида айтдики, шу даврнида «Главташкентстрой» ташкилотлари 900 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойларни Москва, Ленинград, қардош республикаларнинг бинокорлари ва ҳарбий бинокорлар эса, бир миллион квадрат метрдан ортиқ ҳажмдаги уй-жойларни фойдаланиш учун топширдилар. Янги тартибдаги уй-жой қурилишининг янги лоиҳаларида кўп миқдорда уй қурилди. Ер ости силкинишларидан зарар кўрган уйлардаги неча ўн минглаб квартиралар тикланди, кўпгина мактаблар, болалар боғчалари, яслилар қурилди.

Сўзг[illegible]ларида [illegible] рилиш[illegible] рини ях[illegible] ни яхш[illegible] — ш[illegible] ташкилотининг эн[illegible] фасидир. Ўз состав[illegible] мунист [illegible]ган «Гла[illegible] партия ташкилот[illegible] ни ўз [illegible]ида фойд[illegible] ширишда [illegible] кўпроқ [illegible] зим.

Пленум шаҳар [illegible] район парт[illegible] комитетлар[illegible]дан, шаҳар ва ра[illegible] советлар[illegible] ижроия ком[illegible] ридан [illegible]ат планлари[illegible] гиланган муддатлар[illegible] риш учун қурилиш ва [illegible] ташкилотлари раҳбарлар[illegible] батан талабчанлигини о[illegible] ишнинг сифати устидан [illegible] нуқсаларишни талаб [illegible]

Пленумда Ўзбекист[illegible] тияси Марказий Ком[illegible] секрет[illegible] Г. Анисим[illegible] сўзла[illegible] (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, совет адабиётининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги республика мукофотининг лауреати Мусо Тошмуҳаммедович **Ойбек** узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1968 йил 1 июлда вафот этди.

ЯДРО ЛИНИ ТАРҚАТМАСЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

Ушбу шартномани тузувчи қўйида «Шартнома қатнашчилари» деб номланувчи давлатлар;

ядро уруши бошланиб кетганида бутун инсоният учун ҳалокатли оқибатлар келиб чиқишини ва шу сабабли бундай уруш бошланиб кетиш хавфининг олдини олмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарфлаш ҳамда халқлар хавфсизлигини таъминламоқ учун чоралар кўриш зарурлигини ҳисобга олиб;

ядро қуролининг тарқалиши ядро уруши хавфини жиддий равишда кўпайтирган бўлур эди, деб ҳисоблаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ядро қуроли тагин ҳам кенгроқ тарқалишининг олдини олиш тўғрисида битим тузишга чақирувчи резолюцияларига мувофиқ,

халқаро атом энергияси агентлигининг гарантияларини тинч ядрочиликка нисбатан қўлланишга кўмаклашиш мақсадида ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олиб,

муайян манба жойларда асбоблар ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш орқали асосий ва махсус парчаланувчи материалларнинг ҳаракатига нисбатан самарали гарантиялар принципини халқаро атом энергияси гарантиялари системаси доирасида қўлланишга кўмаклашишга қаратилган тадқиқотлар такомиллаштиришлар ва бошқа ишлар йўлидаги куч ва ғайратни қўллаб-қувватлашга истак билдириб,

ядро технологиясини, шу жумладан, ядро қуролига эга бўлган давлатлар ядрони портлатувчи аппаратларни ривожлантиришдан олиши мумкин бўлган ҳар қандай технологик қўшимча маҳсулларни тинч мақсадларда қўлланиш неъматларидан шартномада қатнашувчи ядро қуролига эга бўлган давлатлар ҳам, эга бўлмаган давлатлар ҳам тинч мақсадлар учун баҳраманд бўлишлари лозим, деган принципни таъкидлаб,

Ушбу принципни амалга оширишда ушбу шартнома қатнашчиларининг ҳаммаси атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишни янада ривожлантирмоқ учун илмий ахборотларни имкони борича тўла равишда алмашишда қатнашишга ҳамда ёки бошқа давлатлар билан ҳамкор бўлиб бу ривожланишга ўз ҳиссаларини қўшишга ҳақли эканликларига амин бўлиб,

ядро билан қуролланиш пойгасини тўхтатишга мумкин қадар тезроқ эришиш ва ядро қуролини тадбиқ қилиш тўғрисида самарали чоралар кўриш борасида ўзларининг ниятлари борлигини айтиб,

шу мақсадга эришишда барча давлатларни ҳамкорлик қилишга қатъий равишда чақириб,

атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини таъқиқлаш тўғрисидаги 1963 йилги Шартноманинг муқаддимасида ушбу Шартнома қатнашчилари ядро қуролининг барча синов портлатишларини абадий тўхтатишга эришишга ва шу мақсадда музокараларни давом эттиришга махкам бел боғлаганликларини эслатиб.

Ядро қуроли ишлаб чиқаришни тўхтатишга эришишга, бу қуролнинг барча мавжуд запасларини йўқ қилиб ташлашга ҳамда Еппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ ядро қуролини ва уни элтиш воситаларини қаттиқ ва самарали халқаро контроль остида миллий арсеналлардан чиқариб ташлашга кўмаклашмоқ учун халқаро кескинликни юмшатишга ва давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга ёрдамлашишга интилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставига мувофиқ давлатлар ўзларининг халқаро муносабатларида бошқа ҳар қандай давлатнинг территориал даҳлсизлигига ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид солишдан ёки куч қўлланмоқчи бўлиб, таҳдид солишдан, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирор равишда таҳдид солишдан ўзларини тийиб туришлари лозимлигини, қуролланиш иши учун жаҳондаги одам кучларини ва иқтисодий ресурсларни энг кам жалб қилиб, халқаро тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишга ва буни сақлаб туришга кўмаклашиш кераклигини эслатиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I МОДДА

Ушбу Шартномада қатнашувчи давлатлардан бўлган, ядро қуролига эга ҳар бир давлат ядро қуролини ёки ядрони портлатувчи бошқа аппаратларни бошқа ҳеч кимга бермаслик, шунингдек ядро қуроли устидан ёхуд ядрони портлатувчи аппарат устидан на бевосита, на билвосита контроллик қилишни ҳеч кимга топширмаслик; шунингдек ядро қуролига эга бўлмаган давлатлардан бирортасини бирор йўл билан ядро қуролини ёки ядрони портлатувчи бошқа асбобларни ишлаб чиқаришга ёхуд сотиб олишга, шунингдек мана шу қурол ёки портлатувчи аппаратлар устидан контроллик қилишга рағбатлантирмаслик ва унатмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II МОДДА

Ушбу Шартномада қатнашувчи давлатлардан бўлган, ядро қуролига эга бўлмаган ҳар бир давлат кимдан бўлмасин бериладиган ядро қуролини ёки ядрони портлатувчи бошқа аппаратларни, шунингдек мана шу қурол ёхуд портлатувчи аппаратлар устидан на бевосита, на билвосита контролликни қабул қилмаслик; ядро қуролини ёхуд ядрони портлатувчи бошқа асбоблар ҳеч бир усул билан ишлаб чиқармаслик ва қотиб олмаслик, шунингдек ядро қуролининг қўлланишини тақиқлаш тўғрисида Совет Иттифоқи таклиф этган конвенция лойиҳасини, шунингдек шу масала юзасидан қилиниши мумкин бўлган бошқа таклифларни ўрганиб чиқишга ҳамда халқаро конференция чақириш йўли билан тегишли конвенция тузиш хусусида қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 давлат комитетида ёки бевосита давлатлар ўртасида музокаралар олиб боришга чақирди.

Ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш масаласини амалий ҳал қилиш мақсадида Совет ҳукумати бу қуролни қўлланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция лойиҳаси масаласини 18 лар комитетида биринчи навбатдаги масала сифатида муҳокама қилишни ҳамда тегишли конвенцияни имзоламоқ учун халқаро конференция чақириш тўғрисида фикрлашиб олишни таклиф қилади.

2. Ядро қуролини ишлаб чиқаришни тақиқлаш, қисқартириш ва унинг запасларини тугатиш чоралари

Совет ҳукумати ядро уруши хавфидан инсониятни халос қилишга интилиб, барча ядроли давлатларга ядро қуролини ишлаб чиқаришни тўхтатиш, унинг запасларини қисқартириш ва кейин тегишли халқаро контроль остида ядро қуролини батамом тақиқлаш ва тугатиш тўғрисида дарҳол музокаралар бошлашни таклиф этади. Совет ҳукумати ядроли бошқа давлатларнинг ҳаммаси билан исталган вақтда мана шундай музокаралар бошлашга ўзининг тайёр эканлигини билдиради. Совет ҳукумати бунда шуни назарда тутадики, мана шундай музокаралар давомида ядро қуролини йўқ қилиб ташлашга олиб келадиган чораларнинг бутун комплекси тўғрисида ҳам, шунингдек шу комплекслардан мана шу мақсадга қаратилган баъзилари тўғрисида ҳам битимга келиб қолиш мумкин.

Совет ҳукумати ядро қуролини эл тишининг стратегик воситаларини чеклаб қўйиш ва кейин қисқартириш соҳасида қўйиладиган конкрет қадамлар тўғрисида келишиб олишни таклиф қилади. Совет ҳукумати бунда шуни назарда тутадики, элтиб қўювчи стратегик воситаларнинг бутун арсеналини йўқ қилиб ташлаш ва ҳар ҳолда бу арсенал миқдорини ниҳоят даражада камайтириб, шундай воситаларни жуда чекланган миқдорда қолдириш, қолдирганда ҳам муваққат равишда қолдириш ядро уруши хавфини йўқотишга олиб келувчи чора бўлур эди.

Совет ҳукумати манфаатдор давлатлар билан ядро қуролини элтиб қўювчи стратегик воситаларни ўзаро чеклаш ва кейин қисқартириш тўғрисида фикрлашиб олишга ўзининг тайёр эканлигини билдиради.

4. Ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юришини тақиқлаш. Ракеталар ортадиган сув ости кемаларининг сузиб юриш зоналарини чеклаб қўйиш

Совет ҳукумати ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юриши хатарли эканлигига бошқа давлатлар ҳукуматларининг ва жаҳон афкор оммасининг эътиборини неча марталаб жалб қилди. Ядро қуроли ортган Америка бомбардимончи самолётларининг АҚШ территорияси доирасидан ташқарида фалокатга учраш ҳоллари кўпайиб кетганлиги турли мамлакатларни қонуний ҳаяжонга солмоқда. Ядро бомбалари билан қуролланган бомбардимончи самолётнинг навбатдаги ҳалокати ядро портлашига ва бу портлашдан келиб чиқадиган оқибатларнинг ҳаммасига олиб келмаслигига ҳеч қандай гарантия йўқ. Ҳозирги кескин вазиятда бундай ядро портлаши бир қанча оғир воқеаларнинг кетма-кет бошланиб кетишига олиб келиши, бутун инсоният учун хатарли бўлган можарога олиб келиши мумкин. Ракета-ядро қуроли мавжуд бўлган шароитда бомбардимончи самолётларнинг бундай учиб юриши ҳарбий нуқтаи назардан ҳеч бир даркор эмас. Бундай учишлар фақат битта мақсадни кўзда тутиши хатарли практиканинг оқибатлари билан ҳисоблашмай халқаро кескинликни кучайтириб бериши мумкин.

Совет ҳукумати ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юришини сира кечиктирмай тақиқлаб қўйишни таклиф қилади.

3. Стратегик қуролни элтиш воситаларини чеклаб қўйиш ва кейин қисқартириш

Совет ҳукумати ядро қуролини элтишнинг стратегик воситаларини чеклаб қўйиш ва кейин қисқартириш соҳасида қўйиладиган конкрет қадамлар тўғрисида келишиб олишни таклиф қилади. Совет ҳукумати бунда шуни назарда тутадики, элтиб қўювчи стратегик воситаларнинг бутун арсеналини йўқ қилиб ташлаш ва ҳар ҳолда бу арсенал миқдорини ниҳоят даражада камайтириб, шундай воситаларни жуда чекланган миқдорда қолдириш, қолдирганда ҳам муваққат равишда қолдириш ядро уруши хавфини йўқотишга олиб келувчи чора бўлур эди.

Совет ҳукумати манфаатдор давлатлар билан ядро қуролини элтиб қўювчи стратегик воситаларни ўзаро чеклаш ва кейин қисқартириш тўғрисида фикрлашиб олишга ўзининг тайёр эканлигини билдиради.

4. Ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юришини тақиқлаш. Ракеталар ортадиган сув ости кемаларининг сузиб юриш зоналарини чеклаб қўйиш

Совет ҳукумати ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юриши хатарли эканлигига бошқа давлатлар ҳукуматларининг ва жаҳон афкор оммасининг эътиборини неча марталаб жалб қилди. Ядро қуроли ортган Америка бомбардимончи самолётларининг АҚШ территорияси доирасидан ташқарида фалокатга учраш ҳоллари кўпайиб кетганлиги турли мамлакатларни қонуний ҳаяжонга солмоқда. Ядро бомбалари билан қуролланган бомбардимончи самолётнинг навбатдаги ҳалокати ядро портлашига ва бу портлашдан келиб чиқадиган оқибатларнинг ҳаммасига олиб келмаслигига ҳеч қандай гарантия йўқ. Ҳозирги кескин вазиятда бундай ядро портлаши бир қанча оғир воқеаларнинг кетма-кет бошланиб кетишига олиб келиши, бутун инсоният учун хатарли бўлган можарога олиб келиши мумкин. Ракета-ядро қуроли мавжуд бўлган шароитда бомбардимончи самолётларнинг бундай учиб юриши ҳарбий нуқтаи назардан ҳеч бир даркор эмас. Бундай учишлар фақат битта мақсадни кўзда тутиши хатарли практиканинг оқибатлари билан ҳисоблашмай халқаро кескинликни кучайтириб бериши мумкин.

Совет ҳукумати ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юришини тақиқлаб қўйишни таклиф қилади.

5. Ядро қуролининг ер ости синовларини тақиқлаш

Совет Иттифоқи ядро қуролининг ҳамма синовларини тақиқлаб қўйишнинг қатъий тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳамда барча ядро синовларини тақиқлаб қўйиш тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролланиш пойгасини бўшаштириш манфаатларига жавоб берган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Совет ҳукумати ядро қуролининг ер ости синовларини тақиқлашни контроль қилмоқ учун портлаш қаерда рўй берганлигини топиб беруvчи миллий воситалардан фойдаланиш асосида ер ости синовларини тақиқлаш тўғрисида дарҳол битимга келишга тайёр.

6. Химиявий ва бактериологик қуролни қўлланишни тақиқлаш

Химиявий ва бактериологик қуролдан фойдаланишнинг инсоният учун бўлган хавфига Совет ҳукумати давлатларнинг диққат ва эътиборини неча марталаб жалб қилган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXI сессияси мана шундай хавф сабабли ҳамма халқлар ташвишланаётганлигини акс эттириб қабул қилган ўзининг резолюциясида химиявий ва бактериологик қуролни қўллашнишни тақиқлаш тўғрисида 1925 йилги Женева протоколи принципларига қатъий риоя қилишга ҳамма давлатларни даъват этди, шу мақсадга зид бўлиб тушадиган ҳамма ҳаракатларни қоралади ва барча давлатларга Женева протоколига қўшилишни таклиф қилди.

Бироқ, Бош Ассамблеянинг бу муҳим қарорини баъзи мамлакатлар, аввало, Америка Қўшма Штатлари бажармаётир. Бунинг устига АҚШ Вьетнамдаги ўзининг агрессив урушида химия қуролидан фойдаланмоқда. Шу сабабли, Совет ҳукумати 18 давлат комитети химиявий ва бактериологик қуролни қўлланишни тақиқлаш тўғрисидаги Женева протоколини барча давлатларнинг бажаришини таъминлайдиган йўллар ва воситаларни кўриб чиқсин деб таклиф қилади.

7. Чет эл ҳарбий базаларини тугатиш

Ўзга мамлакатларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базалари тинчликка жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай базалар ҳарбий можаролар бошланиб кетишига манба бўлмоқда, халқларнинг озодлиги ва мустақиллигига таҳдид солмоқда. Буни АҚШнинг Вьетнамда давом этаётган агрессив уруши, жаҳоннинг турли районларида чет эл базалари жойлашган ерлардаги кескинлик ва можаролар яққол кўрсатиб турибди.

Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXI сессиясининг топшириғига мувофиқ, қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи 18 давлат комитетида чет эл ҳарбий базаларини тугатишни тезлик билан кўриб чиқишни таклиф қилади.

8. Регионал қуролсизланиш чоралари

Совет ҳукумати жаҳоннинг турли районларида ядросиз зоналар вужудга келтирилишини қўллаб-қувватлайди. Бунда Совет ҳукумати шуни назарда тутадики, бундай зоналарнинг вужудга келтирилиши ядро қуроли жойлаштирилмаган доирани самарали чеклаб қўйиши ва бу қуролни бевосита ёки бавосита тарқатишга йўл қўймаслик вазифасига тўла равишда мувофиқ бўлиб тушиши лозим.

Совет ҳукумати ядросиз зоналар вужудга келтиришга доир мажбуриятларни бутун-бутун қитъаларни ёки йирик географик районларни ўз ичига олган давлатлар группасигина ўз зиммасига олиб қолмасдан, шу билан бирга, давлатларнинг бирмунча чекланган группалари ва ҳатто айрим мамлакатлар ҳам бундай мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари ҳам мумкин деб ҳисоблайди.

Совет ҳукумати жаҳоннинг турли районларида, шу жумладан Яқин Шарқда ҳам регионал қуролсизланиш ва қурол-яроғларни қисқартириш чораларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифларни ҳам қўллаб-қувватлайди. Яқин Шарқда қуролланиш пойгасини чеклаб қўйишга доир бундай чоралар, ўз-ўзидан маълумки, араб мамлакатларига қарши Исроил агрессиясининг оқибатлари тугатилган шароитда ва аввало, Исроил қўшинлари ўзлари оккупация қилиб турган араб мамлакатларининг территорияларидан тамомила олиб чиқиб кетилган шароитдагина кўриб чиқилиши мумкин.

9. Денгизлар ва океанлар тагидан тинч мақсадларда фойдаланиш

Инсон яшаб ва ишлаб турган муҳитлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни чеклаб қўйиш ва инсон фаолиятининг янги соҳаларидан мана шундай фойдаланишнинг олдини олиш қуролланиш пойгасини юмшатиш манфаатларига мос бўлиб тушади. Совет ҳукумати шу мақсадларга эришмоқ учун муттасил куч ва ғайрат сарф қилиб келди ва сарф қилмоқда ҳамда шуни мамнуният билан қайд қиладики, Антарктика тўғрисидаги шартномада ва космик фазони, шу жумладан Ойни ҳамда бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш борасида давлатлар фаолиятининг принципларига тўғрисидаги шартномада мустаҳкамланган тегишли чеклашлар бу йўлда қўйилган муҳим амалий қадамлардир.

Денгизлар ва океанлар тагини тадқиқ қилишнинг бориши ҳамда денгизлар ва океанлар тагини ўзлаштириш истиқболлари мавжуд территориал сувлар доирасидан ташқаридаги денгизларнинг тагидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишни таъминлайдиган режимни тегишли формада ўз вақтида мустаҳкамлаб расмийлаштириш масаласини қўйишга имкон беради. Бу билан, жумладан, денгиз тагида ҳарбий мақсадларга хизмат қиладиган доимий установкалар қуриш, шунингдек ҳарбий характердаги бошқа хил фаолиятлар тақиқланиб қўйилган бўлур эди. Совет ҳукумати 18 давлат комитетида мавжуд территориал сувларнинг доирасидан ташқаридаги денгизлар тагидан фақат тинч мақсадларда фойдаланиш масаласи устида музокаралар бошлашни таклиф қилади.

* * *

Совет ҳукумати юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни таклиф қилиб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишда конкрет натижаларга эришмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарф қилиш зарурлигига эътиборни жалб қилади. Совет ҳукумати қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 давлат комитетида бу масала устида олиб борилаётган музокараларни активлаштириши зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишлаб жаҳон конференциясини ўтказиш тўғрисидаги қарорини амалга оширишни талаб қилади ва бундай конференцияни чақириш инсоният олдида турган мана шу жуда муҳим вазифани ҳал этишга ёрдам беришга ўзининг амин эканлигини билдиради.

Тинчлик учун кураш масалаларида ўзининг принципиал йўлига амал қилиб келаётган Совет Иттифоқи социалистик мамлакатлар билан, барча тинчликсевар давлатлар билан ҳамкорлик қилиб, ядро уруши хавфини йўқотишга, агрессия кучларини жиловлаб қўйишга, қуролсизланишнинг кенг программасини амалга оширишга ҳаракат қилаверади. Совет ҳукумати барча давлатларга мурожаат қилиб, уларни қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланишга доир кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш тўғрисида битимга келмоқ учун лозим бўлган ҳамма ишларни қилишга чақиради.

СССР ҲУКУМАТИНИНГ МЕМОРАНДУМИ

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ ТЎХТАТИШГА ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН БАЪЗИ ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА

Империалистларнинг агрессия ва уруш сиёсатига қарши, халқлар ўртасида тинчликни таъминлаш учун курашни Совет давлати ўзи вужудга келган кундан бошлаб ўз ташқи сиёсати йўлига асос қилиб олди. Совет ҳукумати В. И. Ленин кўрсатиб берган йўлдан бориб, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш соҳасида кенг программадаги чораларни амалга оширишни, ёппасига ва батамом қуролсизланиш планини амалга оширишни зўр бериб ва изчиллик билан талаб қилиб келмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг, барча тинчликсевар давлатларнинг актив кураши ядро билан қуролланиш пойгасининг доирасини чеклашга ва қуролланишга қаратилган бир қанча амалий чоралар кўришга имкон берди. Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномаси кетидан давлатларнинг космик фазодаги фаолият принциплари тўғрисида тузилган шартнома космосни ядро қуроли учун ёпиб қўйди. Эндиликда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ишлаб чиқилди ва имзолаш учун тайёр қилиб қўйилди. Бу шартнома тинчликни мустаҳкамлаш иши учун катта аҳамиятга эга ҳамда қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида, ядро қуролини тақиқлашга ва йўқ қилиб ташлашга доир самарали чораларни амалга оширишнинг йўлида курашни давом эттирмоқ учун қулай шароит яратиб беради.

Тинчликни таъминлаш манфаатлари зўр бериб, қуролланишни чеклаш ва қуролсизланиш йўлида янги қадамлар қўйишни талаб қилади. Бунинг аҳамияти шунинг учун ҳам каттаки, агрессив кучлар активлашганлиги натижасида халқаро муносабатлардаги кескинлик кучайиб кетди. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив уруши кенгайиб бормоқда. Исроил бир қанча араб давлатларининг зўрлик билан босиб олинган территорияларини оккупация қилиб туришни давом эттирмоқда.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома тузилганидан кейин Совет ҳукумати қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланишга доир кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги чораларни яқин фурсатда амалга ошириш тўғрисида келишиб олишни таклиф қилади.

1. Ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш

Ядро қуроли пайдо бўлганидан бери Иттифоқи бу ялпи қирғин қуролини тақиқлашни ва батамом тугатишни билан талаб қилиб келмоқда. Ядро қуролини қўлланишни тақиқлашда халқаро битим тузиш ва ҳал этиш йўлида, ядро офини йўқотиш йўлида олға илган муҳим қадам бўлур эди. Битим ядро қуролини ишга солганларнинг ҳаммасини тийиб қиддий омил бўлур эди. Бу битим айрим давлатларнинг бошқа давлатларнинг ядро қуролидан фойдаланиш нияти бор, деган гумонларини йўқотиб, халқаро вазиятнинг соғломланишига ёрдам берган бўлур эди.

Бу проблеманинг тезроқ ҳал қилинишига кўмаклашмоқ учун СССР ҳукумати ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш тўғрисида конвенция лойиҳасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXII сессиясининг муҳокамасига киритди. Ассамблеядаги делегацияларнинг катта кўпчилиги мана шундай халқаро конвенция тузиш зарур, деган фикрни қўллаб-қувватлади. Ассамблея барча давлатларни ядро қуролининг қўлланишини тақиқлаш тўғрисида Совет Иттифоқи таклиф этган конвенция лойиҳасини, шунингдек шу масала юзасидан қилиниши мумкин бўлган бошқа таклифларни ўрганиб чиқишга ҳамда халқаро конференция чақириш йўли билан тегишли конвенция тузиш хусусида қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 давлат комитетида ёки бевосита давлатлар ўртасида музокаралар олиб боришга чақирди.

Ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш масаласини амалий ҳал қилиш мақсадида Совет ҳукумати бу қуролни қўлланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция лойиҳаси масаласини 18 лар комитетида биринчи навбатдаги масала сифатида муҳокама қилишни ҳамда тегишли конвенцияни имзоламоқ учун халқаро конференция чақириш тўғрисида фикрлашиб олишни таклиф қилади.

2. Ядро қуролини ишлаб чиқаришни тақиқлаш, қисқартириш ва унинг запасларини тугатиш чоралари

Совет ҳукумати ядро уруши хавфидан инсониятни халос қилишга интилиб, барча ядроли давлатларга ядро қуролини ишлаб чиқаришни тўхтатиш, унинг запасларини қисқартириш ва кейин тегишли халқаро контроль остида ядро қуролини батамом тақиқлаш ва тугатиш тўғрисида дарҳол музокаралар бошлашни таклиф этади. Совет ҳукумати ядроли бошқа давлатларнинг ҳаммаси билан исталган вақтда мана шундай музокаралар бошлашга ўзининг тайёр эканлигини билдиради. Совет ҳукумати бунда шуни назарда тутадики, мана шундай музокаралар давомида ядро қуролини йўқ қилиб ташлашга олиб келадиган чораларнинг бутун комплекси тўғрисида ҳам, шунингдек шу комплекслардан мана шу мақсадга қаратилган баъзилари тўғрисида ҳам битимга келиб қолиш мумкин.

Совет ҳукумати ядро қуролини эл тишининг стратегик воситаларини чеклаб қўйиш ва кейин қисқартириш соҳасида қўйиладиган конкрет қадамлар тўғрисида келишиб олишни таклиф қилади. Совет ҳукумати бунда шуни назарда тутадики, элтиб қўювчи стратегик воситаларнинг бутун арсеналини йўқ қилиб ташлаш ва ҳар ҳолда бу арсенал миқдорини ниҳоят даражада камайтириб, шундай воситаларни жуда чекланган миқдорда қолдириш, қолдирганда ҳам муваққат равишда қолдириш ядро уруши хавфини йўқотишга олиб келувчи чора бўлур эди.

Совет ҳукумати манфаатдор давлатлар билан ядро қуролини элтиб қўювчи стратегик воситаларни ўзаро чеклаш ва кейин қисқартириш тўғрисида фикрлашиб олишга ўзининг тайёр эканлигини билдиради.

4. Ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юришини тақиқлаш. Ракеталар ортадиган сув ости кемаларининг сузиб юриш зоналарини чеклаб қўйиш

Совет ҳукумати ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юриши хатарли эканлигига бошқа давлатлар ҳукуматларининг ва жаҳон афкор оммасининг эътиборини неча марталаб жалб қилди. Ядро қуроли ортган Америка бомбардимончи самолётларининг АҚШ территорияси доирасидан ташқарида фалокатга учраш ҳоллари кўпайиб кетганлиги турли мамлакатларни қонуний ҳаяжонга солмоқда. Ядро бомбалари билан қуролланган бомбардимончи самолётнинг навбатдаги ҳалокати ядро портлашига ва бу портлашдан келиб чиқадиган оқибатларнинг ҳаммасига олиб келмаслигига ҳеч қандай гарантия йўқ. Ҳозирги кескин вазиятда бундай ядро портлаши бир қанча оғир воқеаларнинг кетма-кет бошланиб кетишига олиб келиши, бутун инсоният учун хатарли бўлган можарога олиб келиши мумкин. Ракета-ядро қуроли мавжуд бўлган шароитда бомбардимончи самолётларнинг бундай учиб юриши ҳарбий нуқтаи назардан ҳеч бир даркор эмас. Бундай учишлар фақат битта мақсадни кўзда тутиши хатарли практиканинг оқибатлари билан ҳисоблашмай халқаро кескинликни кучайтириб бериши мумкин.

Совет ҳукумати ядро қуроли ортилган бомбардимончи самолётларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарида учиб юришини таклиф қилади.

5. Ядро қуролининг ер ости синовларини тақиқлаш

Совет Иттифоқи ядро қуролининг ҳамма синовларини тақиқлаб қўйишнинг қатъий тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳамда барча ядро синовларини тақиқлаб қўйиш тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролланиш пойгасини бўшаштириш манфаатларига жавоб берган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Совет ҳукумати ядро қуролининг ер ости синовларини тақиқлашни контроль қилмоқ учун портлаш қаерда рўй берганлигини топиб беруvчи миллий воситалардан фойдаланиш асосида ер ости синовларини тақиқлаш тўғрисида дарҳол битимга келишга тайёр.

6. Химиявий ва бактериологик қуролни қўлланишни тақиқлаш

Химиявий ва бактериологик қуролдан фойдаланишнинг инсоният учун бўлган хавфига Совет ҳукумати давлатларнинг диққат ва эътиборини неча марталаб жалб қилган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXI сессияси мана шундай хавф сабабли ҳамма халқлар ташвишланаётганлигини акс эттириб қабул қилган ўзининг резолюциясида химиявий ва бактериологик қуролни қўллашнишни тақиқлаш тўғрисида 1925 йилги Женева протоколи принципларига қатъий риоя қилишга ҳамма давлатларни даъват этди, шу мақсадга зид бўлиб тушадиган ҳамма ҳаракатларни қоралади ва барча давлатларга Женева протоколига қўшилишни таклиф қилди.

Бироқ, Бош Ассамблеянинг бу муҳим қарорини баъзи мамлакатлар, аввало, Америка Қўшма Штатлари бажармаётир. Бунинг устига АҚШ Вьетнамдаги ўзининг агрессив урушида химия қуролидан фойдаланмоқда. Шу сабабли, Совет ҳукумати 18 давлат комитети химиявий ва бактериологик қуролни қўлланишни тақиқлаш тўғрисидаги Женева протоколини барча давлатларнинг бажаришини таъминлайдиган йўллар ва воситаларни кўриб чиқсин деб таклиф қилади.

7. Чет эл ҳарбий базаларини тугатиш

Ўзга мамлакатларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базалари тинчликка жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай базалар ҳарбий можаролар бошланиб кетишига манба бўлмоқда, халқларнинг озодлиги ва мустақиллигига таҳдид солмоқда. Буни АҚШнинг Вьетнамда давом этаётган агрессив уруши, жаҳоннинг турли районларида чет эл базалари жойлашган ерлардаги кескинлик ва можаролар яққол кўрсатиб турибди.

Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXI сессиясининг топшириғига мувофиқ, қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи 18 давлат комитетида чет эл ҳарбий базаларини тугатишни тезлик билан кўриб чиқишни таклиф қилади.

8. Регионал қуролсизланиш чоралари

Совет ҳукумати жаҳоннинг турли районларида ядросиз зоналар вужудга келтирилишини қўллаб-қувватлайди. Бунда Совет ҳукумати шуни назарда тутадики, бундай зоналарнинг вужудга келтирилиши ядро қуроли жойлаштирилмаган доирани самарали чеклаб қўйиши ва бу қуролни бевосита ёки бавосита тарқатишга йўл қўймаслик вазифасига тўла равишда мувофиқ бўлиб тушиши лозим.

Совет ҳукумати ядросиз зоналар вужудга келтиришга доир мажбуриятларни бутун-бутун қитъаларни ёки йирик географик районларни ўз ичига олган давлатлар группасигина ўз зиммасига олиб қолмасдан, шу билан бирга, давлатларнинг бирмунча чекланган группалари ва ҳатто айрим мамлакатлар ҳам бундай мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари ҳам мумкин деб ҳисоблайди.

Совет ҳукумати жаҳоннинг турли районларида, шу жумладан Яқин Шарқда ҳам регионал қуролсизланиш ва қурол-яроғларни қисқартириш чораларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифларни ҳам қўллаб-қувватлайди. Яқин Шарқда қуролланиш пойгасини чеклаб қўйишга доир бундай чоралар, ўз-ўзидан маълумки, араб мамлакатларига қарши Исроил агрессиясининг оқибатлари тугатилган шароитда ва аввало, Исроил қўшинлари ўзлари оккупация қилиб турган араб мамлакатларининг территорияларидан тамомила олиб чиқиб кетилган шароитдагина кўриб чиқилиши мумкин.

9. Денгизлар ва океанлар тагидан тинч мақсадларда фойдаланиш

Инсон яшаб ва ишлаб турган муҳитлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни чеклаб қўйиш ва инсон фаолиятининг янги соҳаларидан мана шундай фойдаланишнинг олдини олиш қуролланиш пойгасини юмшатиш манфаатларига мос бўлиб тушади. Совет ҳукумати шу мақсадларга эришмоқ учун муттасил куч ва ғайрат сарф қилиб келди ва сарф қилмоқда ҳамда шуни мамнуният билан қайд қиладики, Антарктика тўғрисидаги шартномада ва космик фазони, шу жумладан Ойни ҳамда бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш борасида давлатлар фаолиятининг принципларига тўғрисидаги шартномада мустаҳкамланган тегишли чеклашлар бу йўлда қўйилган муҳим амалий қадамлардир.

Денгизлар ва океанлар тагини тадқиқ қилишнинг бориши ҳамда денгизлар ва океанлар тагини ўзлаштириш истиқболлари мавжуд территориал сувлар доирасидан ташқаридаги денгизларнинг тагидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишни таъминлайдиган режимни тегишли формада ўз вақтида мустаҳкамлаб расмийлаштириш масаласини қўйишга имкон беради. Бу билан, жумладан, денгиз тагида ҳарбий мақсадларга хизмат қиладиган доимий установкалар қуриш, шунингдек ҳарбий характердаги бошқа хил фаолиятлар тақиқланиб қўйилган бўлур эди. Совет ҳукумати 18 давлат комитетида мавжуд территориал сувларнинг доирасидан ташқаридаги денгизлар тагидан фақат тинч мақсадларда фойдаланиш масаласи устида музокаралар бошлашни таклиф қилади.

* * *

Совет ҳукумати юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни таклиф қилиб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишда конкрет натижаларга эришмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарф қилиш зарурлигига эътиборни жалб қилади. Совет ҳукумати қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 давлат комитетида бу масала устида олиб борилаётган музокараларни активлаштириши зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишлаб жаҳон конференциясини ўтказиш тўғрисидаги қарорини амалга оширишни талаб қилади ва бундай конференцияни чақириш инсоният олдида турган мана шу жуда муҳим вазифани ҳал этишга ёрдам беришга ўзининг амин эканлигини билдиради.

Тинчлик учун кураш масалаларида ўзининг принципиал йўлига амал қилиб келаётган Совет Иттифоқи социалистик мамлакатлар билан, барча тинчликсевар дав

1905 ОЙБЕК 1968

ХАЛҚНИНГ ЎЛМАС ФАРЗАНДИ

Р. ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси

<> <>

Ўзбекистон меҳнаткашлари оғир дамларни бошдан кечирмоқдалар. Халқимизнинг ажойиб фарзанди, оташин ватанпарвар, Коммунистик партиянинг забардаст солдати, моҳир сўз устаси, истеъдодли олим, республика Фанлар академиясининг академиги, ажойиб инсон Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг қалби уришдан тўхтади.

Ўзининг бутун жўшқин ҳаётини ва қайноқ ижодини батамом Ватан хизматига, халқ хизматига бахшида этган улуғ истеъдод эгаси азиз дўстимиз, ажойиб инсон Ойбек орамиздан кетганлигига сира-сира ишонгимиз келмайди.

Ойбек ҳаётга, одамларга қизғин меҳр қўйган инсон эди. Ойбек ижодий ғоялари ва ғайрат-ташаббуси барқ уриб турган бир пайтда сафимиздан кетди.

Ойбек ва унинг тенгдоши бўлган санъаткорлар авлоди энг мураккаб даврларни бошдан кечирди ва айни вақтда ўзбек совет адабиётига асос солишдек бахтга муяссар бўлди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи Ойбек ижодида ҳам ўз ифодасини топгандир. Санъаткор ёш республика билан бир сафда буюк бунёдкорлик ва ўзгаришлар йўлида дадил қадам ташлади. Унинг бадиий истеъдоди республика билан бирга ўсиб, юксалиб борди. Унинг дастлабки асарларидаёқ янги совет даври, ўзбек халқини ва мамлакатимизнинг бошқа барча халқларини порлоқ ва кенг бунёдкорлик йўлига олиб чиққан совет даври, инсониятимизнинг янги ҳаётга интилиши тасвирланди. Ойбекнинг кўп миллатли совет адабиёти хазинасига олтин фонд бўлиб қўшилган «Қутлуғ қон» романи ўзбек меҳнаткашларининг онгида юз берган революцион ўзгаришларни бадиий маҳорат билан ёрқин акс эттирди. Романда ўзбек халқининг миллий озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб борилган мураккаб ва жонли манзараларда ўз ифодасини топди.

Ойбек республикамиз ва мамлакатимизнинг меҳнат ва маданиятда эришган ҳар бир муваффақиятидан чин юракдан қувонар, бу муваффақиятларни ўз асарларида тараннум этар эди.

Санъаткор замондошларимиз орзу-умидлари билан нафас олардик. У ҳақиқий халқ ёзувчиси эди. Ойбек ҳамиша халқ ичида яшаб, ёрқин асарлари учун халқ ҳаётидан битмас-туганмас илҳом оларди. У ўз асарларида совет халқининг жасоратли меҳнатини мадҳ этди. У ўзининг «Олтин водийдан шабадалар» романида ўзбек қишлоқи меҳнаткашларининг ҳаётини, меҳнатини, орзу-интилишларини акс эттирди. Ўзбек халқи, барча меҳнаткашлар Ойбек асарларининг бош қаҳрамони эди.

Ойбек бутун ҳаёти, ижоди давомида адабиётнинг халқчиллиги, партийлиги ва партиявийлиги учун курашди.

Санъаткорнинг ижодий йўлига назар ташлар эканмиз, унинг ҳамиша меҳнат ва нурашнинг олдинги сафларида борганини кўрамиз. Дастлабки беш йилликларда, Улуғ Ватан уруши йилларида, урушдан кейинги тинч қурилиш даврида Ойбек ҳамиша янги ҳаёт қурувчиларнинг шодлиги ва ташвиши билан яшади.

Ойбек ўзбек халқи маданияти тарихининг улкан билимдони, буюк олими эди. У адабиётимизнинг классиклари ижодиёти бўйича, шунингдек совет адабиётининг энг актуал проблемаларига бағишлаб, кўплигина ажойиб илмий тадқиқотлар олиб борди. Ойбекнинг яқинда эълон қилинган «Навоий гулшани» китоби буюк мутафаккирнинг 525 йиллик юбилейига муносиб тўёна бўлди. Китобдаги мақолаларда Навоийнинг гениал санъаткорлиги, унинг гуманистик ғоялари марксистик позициялардан туриб таҳлил қилинган.

Ойбек жаҳон маданияти дурдоналари, Европа ва рус классик ёзувчилари ижоди билан ўзбек халқини таништирди. Унинг бадиий таржималари ҳам ўзбек совет адабиётининг олтин фондига кирган.

Ойбек бадиий барқамол асарлари учун кўп марта ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Унинг мамлакатимиздаги ва жаҳондаги кўп халқларнинг тилларига таржима қилинган «Навоий» романи биринчи даражали СССР давлат мукофотига сазовор бўлди. У мана шу романида ўтмишдаги халқимиз ҳаётини, меҳнаткашларнинг яхши ҳаёт учун интилишини, халқимизнинг асл фарзанди Навоийнинг буюк мутафаккир ва атоқли давлат арбоби сифатидаги фаолиятини юксак бадиий, ҳақиқий реалистик лавҳаларда ёрқин акс эттирди. Ойбек шу асари билан халқимизнинг фахри бўлган Навоийни, унинг ижодини бутун дунёга танитди.

Ойбек «Болалик» қиссасида ўзбек меҳнаткашларининг инқилоб арафасидаги ҳаётини халқ инқилобий кучларининг ўсиб келаётганини ҳаққоний бўёқларда кўрсатди. Ана шу асари учун адиб Ҳамза Ҳакимзода номли республика мукофотига сазовор бўлди.

Совет Иттифоқининг кўпмиллатли қардошлик оиласи Ойбекни буюк интернационалист, ленинча қардош халқлар дўстлигининг ихтиросли нурашчиси сифатида қадрлайди. Совет халқи ўзининг севимли фарзанди, коммунист ёзувчи Ойбекнинг ижодини юксак баҳолайди.

Ойбек уч чақириқ СССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати эди. У адабиётимизни тараққий эттириш соҳасидаги улкан хизматлари учун уч марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ва Совет Иттифоқининг бошқа мукофотлари билан тақдирланган.

Ойбекнинг ажойиб асарлари мамлакатимиздагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир. Ойбек асарларини ер юзидаги барча мамлакатларнинг миллионлаб кишилари тўлқинланиб ўқийдилар. Унинг асарлари СССР ва чет мамлакатлар халқларнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва нашр этилган.

Ойбекнинг порлоқ ҳаёти, унинг ўзига хос ёрқин ижоди, унинг юксак ватанпарварлиги ва инсонпарварлиги барчамиз учун, дўстлари ва сафдошлари учун, буюк истеъдоднинг миллионлаб муҳлислари учун, янги авлодлар учун ҳақиқий намунадир.

Ойбекнинг бутун ҳаёти ва ижодий фаолияти халққа, Ватанга ва партияга юракдан хизмат қилишнинг ёрқин намунаси, ҳақиқий ижодий жасорат намунасидир.

Ойбекнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

Алвидо, азиз дўстимиз, садоқатли ўртоғимиз!

Халқимиз катта, оғир жудоликка учради. Мусо Тошмуҳаммедов — Ойбек узоқ давом этган оғир касалликдан кейин вафот қилди. Атоқли совет ёзувчиси, олим ва жамоат арбобидан, халқимиз ва Коммунистик партиянинг содиқ фарзандидан жудо бўлдик.

Мусо Тошмуҳаммедов — Ойбек 1905 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ойбекнинг бошқа тенгқурлари, адабиётдаги сафдошлари сингари унинг ижодий тақдирида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. Ойбек 1918 йилда совет мактабига ўқишга кирди. 1925 йилдан бошлаб Ўрта Осиё Давлат университети иқтисодий фанлар факультетининг иқтисод бўлимида ўқий бошлади. 1927 йилда Ленинграддаги халқ хўжалик институтига ўқишга юборилди. «Биз, ёшларни,— деб ёзган эди у ўзининг таржимаи ҳолида,— Улуғ революциянинг бешиги — Россия ўзига мафтун қилган эди, рус тилини ўрганишни истар эдик. Мен олий ўқув юртини тамомлаб, Ўрта Осиё Давлат университети иқтисод факультетида сиёсий иқтисод ва марксизм-ленинизмдан дарс бера бошладим... Мана шу йиллар адабиет менинг иккинчи касбим бўлиб қолди. Мен мактабда ўқиб юрган вақтларимдаёқ адабиёт билан шуғуллана бошлаган эдим».

Ойбекнинг биринчи шеърий асарлар тўплами 1922 йилда эълон қилинган эди. Шоир ўз ижодининг дастлабки даври аёқ ўзининг эстетик программасини жуда аниқ ва равшан белгилаб олган эди. «Икки тўлқин қурашди қараб турайми?... Йўқ! Болғалар ўроқ сафи билан бораман». Шоирнинг бутун поэзияси Коммунистик партия ғояларига мана шундай чексиз садоқат руҳи билан суғорилган. Ойбекнинг бутун поэтик ижоди жонажон халқнинг бахт-саодати учун курашга тарихи, Улуғ Октябрь шаънига айтилган хилма-хил жанрдаги мадҳиядир.

«Дилбар — давр қизи», «Уч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Темирчи Жўра», «Навоий», «Ҳамза», «Қизлар» каби ажойиб поэмалар совет поэзияси хазинасига қўшилган муносиб ҳиссадир. Ойбекнинг поэмалари ўзининг сиёсий ўткирлиги ва бадиий етуклиги билан ажралиб туради, шу жанрнинг энг яхши намуналари бўлиб, кўп миллионли совет китобхонлари томонидан юксак баҳоланганлар.

Мана шу шеърий асарлар йирик эпик полотнолар яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ойбекнинг 1939 йилда ёзган «Қутлуғ қон» романи ва унинг давоми «Улуғ йўл», шунингдек Ҳамза номидаги республика давлат мукофотига сазовор бўлган «Болалик» автобиографик повести Туркистон халқларининг революцион қураши темасига бағишланган. Ойбекнинг кенг китобхонлар оммасига манзур бўлган мана шу асарлари юксак бадиий маҳоратнинг ажойиб намунаси. Коммунистик партиявийлик ва халқчилликдан иборат социалистик реализм принципларига садоқат намунасидир.

Ойбек ўзининг бадиий прозасида жонажон халқ тарихидаги кескин бурилишларни акс эттирди. Биринчи даражали СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Навоий» романида ўзбек халқининг асрлар бўйи давом этган феодал зулмига қарши кураши ва қаёти ўзининг ёрқин ифодасини топди. Мана шу асарда XV асрнинг улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг инсонпарварлиги, интернационализми ва прогрессив фаолияти чуқур очиб берилган.

Социалистик реализм ижодий методини чуқур эгаллаганлиги ва улкан таланти туфайли Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романлари кенг шуҳрат қозониб, СССР халқлари ва бир қанча чет мамлакатлар халқлари тилларида кўп марталаб нашр қилинди. Ойбекнинг энг яхши романлари асосида кинофильмлар, драма ва опера асарлари яратилди.

Ойбек ўзининг кўп қирроли ижодида ҳамиша замонавий темага мурожаат қилди. Улуғ Ватан урушга мавзуида у «Қуёш қораймас» романини ёзди. Бу асарда Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб борилган муқаддас курашда ўзбек халқининг иштироки кўрсатилган.

Ойбекнинг урушдан кейинги ижодида унинг «Олтин водийдан шабадалар» номли романи катта ўрин эгаллаган. Халқ хўжалигини тиклашнинг ўша тинч даврида совет кишилари учун, айниқса характерли бўлган умумхалқ ғайрат-шижоати ва юксак ватанпарварлик ёзувчига илҳом бериб турди.

Ойбекнинг бир қанча асарлари чет мамлакатлар ҳаётига бағишланган. Покистон халқлари ҳаёти тўғрисида шеърлар цикли ва очерклар «Зафар ва Заҳро» поэмаси, «Нур қидириб» повести (1958 йил) шулар жумласидандир. Бу асарларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул аҳамияти ва унинг Шарқ халқлари тақдирига таъсири кўрсатилган.

Ойбекнинг романлари ва повестлари чинакам халқ мулки бўлиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнади. Мусо Тошмуҳаммедович Ойбекка ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган юксак унвон берилди.

Ойбекнинг фаолияти кўп қирралидир. У шоир, ёзувчи ва публицистгина эмас, айни вақтда улкан олим ҳамдир. У классик меросимизнинг ҳамда ҳозирги адабиётимизнинг актуал проблемаларига бағишланган бир қанча асарлар ёзди. Ойбек олимлар авлодининг севимли устози эди. Ойбек совет филология фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлиги учун 1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланган эди.

Ойбек бир қанча классик бадиий ва илмий асарларни ўзбек тилига таржима қилди. Карл Маркс «Капитал»ининг айрим боблари, Гётенинг «Фауст» асаридан парчалар, Дантенинг «Илоҳий комедия»си, Байроннинг «Каин» асаридан парчалар шулар жумласидандир. Ойбек улуғ рус адабиётининг оташин пропагандисти, А. С. Пушкининг «Евгений Онегин» асарининг, Белинскийнинг «Поэзиянинг ҳал ва турларга бўлиниши» каби назарий асарлари ва бошқа кўп асарларнинг таржимонидир.

Ойбек мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида актив қатнашиб келди. У бир неча марта ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари депутатлигига сайланди. Кўп йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар союзига раҳбарлик қилиб турди, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг аъзоси, «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналлари редколлегиясининг аъзоси эди.

Партия ва ҳукумат ажойиб совет ёзувчисининг жўшқин фаолиятига юксак баҳо бериб, уни уч марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирлади.

Ойбек ва унинг сафдошлари ўзларининг самарали ижодлари туфайли ўзбек адабиётини янги юксак босқичга кўтардилар, унинг жаҳондаги шонш-шуҳратини оширдилар, ўзбек ёзувчиларининг янги авлодлари учун бутун бир мактаб яратдилар. Ойбекнинг бутун фаолияти Совет халқига ва Коммунистик партияга баланд руҳ билан хизмат қилишнинг ёрқин тимсолидир.

Ажойиб замондошимиз, халқ оммаси ичидан чиқиб, ўзининг бутун улкан, мислсиз талантини коммунизмнинг юксак ғояларига бағишлаган ёзувчининг хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

Ш. Р. РАШИДОВ, Р. Қ. ҚУРБОНОВ, Е. С. НАСРИДДИНОВА, В. Г. ЛОМОНОСОВ, И. Г. АНИСИМКИН, Н. Г. ЛЯШЧЕНКО, М. М. МУСАХОНОВ, Н. М. МАТЧОНОВ, Р. Н. НИШОНОВ, М. А. АБДУРАЗЗОҚОВ, С. Р. РАСУЛОВ, М. Т. ТУРСУНОВ, К. А. ФЕДИН, Н. С. ТИХОНОВ, Г. М. МАРКОВ, А. С. АБДАЛИН, С. О. АЗИМОВ, Г. А. ГАБРИЕЛЬЯНЦ, С. К. ЗИЕДУЛЛАЕВ, И. В. МАРЦИНЮК, А. Р. ХУЖАЕВ, Р. САХИБОЕВ, Ҳ. А. АСОМОВ, Э. Т. ШАЙХОВ, С. Ш. ШЕРМУҲАМЕДОВ, О. С. СОДИҚОВ, И. М. МУМИНОВ, В. И. ЗОҲИДОВ, К. Н. ЯШИН, А. П. ҚАЮМОВ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, Т. Н. ҚОРИНИЕЗОВ, М. А. ЗОИДОВ, Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВА, Т. А. САРИМСОҚОВ, А. М. ҚУЧҚОРОВ, Юнус РАЖАБИЙ, У. Е. ИБРОҲИМОВ, А. Х. ЖАББОРОВ, Урол ТАНСИҚБОЕВ, С. М. МУҲАМЕДОВ, Р. А. АҲМЕДОВ, Олим ХУЖАЕВ, Б. М. КЕРБОБОЕВ, М. ТУРСУНЗОДА, С. М. МУҚОНОВ, С. П. БОРОДИН, УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, М. И. ШЕВЕРДИН, Асқад МУХТОР, Раҳмат ФАЙЗИЙ, А. А. УДАЛОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Лазиз ҚАЮМОВ, Иброҳим РАҲИМ, Рамз БОБОЖОН, Иззат СУЛТОНОВ, Мирмуҳсин, Ж. ОЙМИРЗАЕВ, В. А. АБДУЛЛАЕВ, С. ЭШОНТУРАЕВА, Шунур БУРҲОНОВ, Комил ЁРМАТОВ, М. Қ. ҚОРИЕВ, В. А. АРХАНГЕЛЬСКИЙ, Ш. НИЕЗОВ, Ғ. НАЖИМОВ, ҒАЙРАТИЙ, Собир АБДУЛЛА, МИРТЕМИР, Н. САФАРОВ.

ЙЎҚЛАШ

Ҳай дариғ, Ойбек оғадан ҳам ажралиб қолдик. Бугунги тонг ўзбек ўлкасида чексиз қайғу ва оғир мусибат хабарини таратиб отгандек бўлди. Таблат ҳам бу кунлар мотамсаро, бир фалокатни сезгандек бўлутлар ҳам ҳар куз кўз ёш қилиб ўтади. Ҳамиша очқоқ ва шаддод ажалнинг мана шундай тўсат босқинларидан юраклар зада, ҳамиша ёвуз ва шум ўлимнинг энг азиз, юрт учун энг ардоқли ва аёвли, эл учун энг керакли фарзандларни юлиб кетадиган ғирромликларидан, бевақт зарбаларидан юраклар зада.

Ҳай аттанг, Ойбекдек заҳматкаш қалам эгаси, буюк адиб, алломаий даврон, чинакам инсондан ажралиб қолдик.

Ойбек янги замон, Ленин замонасида дунёга келган ўзбек совет адабиётининг бешигини тебратганлардан бири, байроқдорлардан бири ва биринчилардандир. Жаҳон меҳнаткаш жаҳон камсуқум, жаҳон жўн ва улкан пок юрак уриб турар эди унинг кўксида! Адабиёт назариясини, ё шеърият, ёки ёш қаламкашлар ижоди, ё тарих ва фалсафа — нима тўғрида бўлмасин — бирон марта ўнинг суҳбатида бўлган киши Ойбекни унутмоғи маҳол. У ўзбек совет поэзиясида улуғ Ленинга атаб илк марсия ёзганлардан ва кейинги камолот босқичларида улуғ доҳий тўғрисида ўлмас шеърлар яратганлардандир. У ўзбек совет адабиётини иттифоқ ва жаҳон минбарига олиб чиққанлардан биридир. У тўла ҳақ билан адабиётимизнинг ифтихори даражасига кўтарилган порлоқ ва ҳамиша барҳаёт сиймодир. Ҳозир адабиётнинг катта йўлига тушиб олган талай таниқли қалам соҳиблари унинг оталардек беаёв, синчков ва мунис тарбиясини олган азаматлардир. Диди баланд, талабчан, қаттиққўл муаллим эди Ойбек ога. Кенг билим уфқи, қариб ҳамма соҳада билағонлик, бугун ва эртани Ленин фалсафаси — Ленин ғояси билан қўрағонлик, дўстга қалин, ёвга жаҳон терс ва айнимаслиги, биллурин поклиги билан халқ дилидан ўчмас ўрин олди, улкан обрў ва шараф эгаси бўлди. Ойбек таниш меҳнат билан, бурро қалам билан ўзи учун қуламас ёдгорлик яратганлар сирасида. Ойбек ҳамиша барҳаётлар сирасида, у ҳамиша олдинги қаторда, ҳамиша сафда. У ҳамиша ўз эли, қардош халқлар ёдида қолажак, улуғ адиблар йўқламасида ҳамиша олдинги сирада йўқланажак.

Ҳай аттанг, шундоқ забардаст инсондан ажралиб қолдик. Қаҳроқ дудоқларида айтилмаган сўз, сувсоқ дилида туғалланмаган достон. учқур ҳаёлида улкан китоб, ишхонасида янги йўнилган қалам қолиб кетди. Асарларингда тириксанку, деган ўй бесанок китобхонларга андак юпанч бўлади, холос.

Тобутинг оёғида йирлайман, энг оғир фалокатларда ҳам ёш келмаган кўзларимдан томчилар юмалаб тушмоқда. Во дариғ! Энг оддий бир талабанг эдим, суянардим, фахрланардим, не қилай? Тинч ухла! Чарчаганинг рост, ҳордиққа ҳақкинг бор. Тупроғинг енгил бўлсин, устоз!

МИРТЕМИР.

АДИБ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРДАН

Юлдузларнинг бири-биридан ўзини катта тутгани беҳуда, аммо ой туққанда уни бутун олам кўради. Бу ўхшатишим унчалик ўринли бўлмаса ҳам мен Ойбекни қардош Ўзбекистон адабиёти осмонидаги Ой деб ҳисоблайман. Ойбек яратган машҳур асарларинг Ўзбекистон тупроғига алангали нур сочаётганини ким тан олмайди?

Ҳар кимнинг ўзига яраша обрўси бўлади. Ўз юртида номи чиққани билан ўлкасининг ташқарисига овозаси кетмаган ёзувчи оз эмас. Мусо Ойбек бўлса фақат Ўзбекистоннингтина эмас, балки Ўрта Осиёнинг, қолаверса, бутун Совет Иттифоқининг ёзувчиси. Унинг номи бутун жаҳонга машҳур.

Берди КЕРБОБОЕВ.

●

Тарихий темада ёзилган дастлабки йирик романлардан Ойбекнинг «Навоий» романида XV аср жонланади. Ўзбек адабиёти асосчисининг қудратли қомати мужассамланади.

Л. Г. БАТЬ.

ОҒИР ЖУДОЛИК

Муҳтарам устод Ойбекнинг орамиздан кетиши биз санъат аҳли — артистлар, бастакорлар, созандалар, рассомлар учун ҳам ғоят оғир, сира ўрни босилмайдиган йўқотиш бўлди. Биз Ойбек тимсолида ўзбек адабиётининг қудратини, жаҳон адабиёти хазинасига қўшилган дурдоналар муаллифини, буюк Навоийни дунёга танитган устозни, халққа, Ватанга, партияга ўз санъати билан хизмат қилишнинг улуғ намунасини кўрардик. Биз бугун буюк санъаткор билан абадий видолашар эканмиз, унинг ўлмас номини, ёрқин ижодини келгуси авлодларга ҳам таниташ иштиёқида ёнмоқдамиз.

Юнус РАЖАБИЙ академик, бастанор, Олим ХУЖАЕВ, Лутфихон САРИМСОҚОВА СССР халқ артистлари, Чингиз АХМАРОВ, Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ рассомлари.

Атоқли ёзувчимиз Ойбек энг яқин қаламдаш дўстлари билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турарди. Суратларда: (чапдан) 1. Адиб Ойбек Қозоғистон ёзувчилари орасида. 2. Ойбек Осиё ва Африка ёзувчилари даврасида. И. Глауберзон фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Совет адабиётининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги республика мукофотининг лауреати Мусо Тошмуҳаммедович Ойбек 1968 йил 1 июлда вафот этганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети: Р. Қурбонов (раис), А. С. Абдалин, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, О. С. Содиқов, Ҳ. А. Асомов, Зулфия ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссиясини туздилар.

ОЙБЕК ШЕЪРЛАРИДАН

ДИЛ ТЎЛА СЕВГИМИЗ СЕНГА, ПАРТИЯМ!

Курашлар, тўлқинлар, буюк ҳамлалар,
Тер ва куч аҳлимиз ҳар ишга қодир.
Ишчи синф яратди янги зафарлар,
Офарин, кўп яша, синф баҳодир!

Кўмир конларида иш — меҳнат қайноқ,
Маъдан ер қаъридан чиқар юзага.
Дарё-дарё нефтлар оқар шарқироқ,
Табиат бўйсунган, чўккан тиззага.

Электр оқади, электр дарё
Чақнаган чироқлар ҳар ёнда юлдуз.
Атомнинг тилсимин емирдик — зиё!
Конлару, шахталар чароғон — кундуз!

Илмнинг чўққиси самога борар,
Ойга, юлдузгадир олган йўлимиз.

Фикримиз чақмоқдай олмосни ёрар,
Бахтимиз қуёшдай, гулдур кўлимиз.

Еримиз бебаҳо, бой ва унумдор,
Бугдойларки бизда — далалар олтин.
Уфқдан уфққа кетган экинзор,
Меҳнатда эркинмиз, бахтимиз бутун.

Далада юрасан, машина чарчар,
Уфқдан уфққа ёйилган пахта.
Елпирай, хайронман, меҳнат тўккан зар,
Чақнайди оқ момиқ, зап асл пахта.

Қизлару йигитлар чаққон, бетиним,
Теримчи машина тинмайди бир он.
Пахтангиз мунча кўп, қўли гул иним!
Ваъдангиз жойида, бўлингиз омон!

Сулувдир, кўл сулув, о, Ўзбекистон!
Қуёш мўл, манзара ёнар лоларанг,
Асалдан мевалар тўкин боғистон,
Шаҳарлар, қишлоқлар атлас — ранг-баранг,

Меҳнат ҳам завқ берур бизга нақ қўшиқ,
Коммунизм куйи янграр ҳар дилда.
Йўлларда гул тўла, қўнгиллар тўлиқ,
Достони куйланур иш-ла ҳар тилда.

Партиям, дил тўла сенга севгимиз,
Ешиб ташладинг кўп мушкул ва чигил.
Соф диллик, одиллик — эзгу бурчимиз,
Улуғ достонингдан будир бир шингил.

Юлсалур осмонга метин қоядай,
Қудрати булоқдай азим партиям,
Меҳрга лиммо-лим гамхўр онадай,
Одилу, ҳаққат — йўлинг, партиям!

1961 йил.

НАЪМАТАК

Нафис чайқалади бир туп наъматак,
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул!
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида —
Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Майин рақсига ҳеч қониқмас кўнгил,
Вахший тошларга ҳам у берар фусун.
Сўнмайди юзида ёрқин табассум,
Яноқларин тутиб олтин бўса-чун,
Қуёшга тутади бир сават оқ гул!

Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир туп наъматак.
Шамол инжуларни сепар чашмадек.
Бошида бир сават оқ юлдуз — чечак.
Нозик саломлари нақадар масъум!

Тоғлар ҳавосининг фирузасидан
Майин товланади бутун ниҳолик.
Вахший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб, қурсанд!

1936 йил.

* * *

Қалбдан севги тошди, фироқ, ғам-алам...
Юрамен, дайдийман, парча чўғ қалбда.
Муҳаббат дардида Мажнун мендан кам.
Гўзалим келмади, ёнамен дарда.

Гўзалим бир келди, нетди нур каби,
Кўнглим ва кўзларим қолди изида.
Қўлида «Фузулий» — севган китоби,
Оқ шоҳи кўйлакда, тўлқин тизида.

Кўзлари маъюдор, ҳислари ёниқ,
Қулгуси самимий, ўйлари «...
Сўзи, қилиқлари ёқимли, ...
Ялинди: ҳужрамда озгина ...
— Ташаннур, мен кетдим».

Еримнинг нетидан шамолда ...
Қайгадир йўқ бўлди, йиғлаб ...
Эй, гўзал, йўлингда, ишқин ...

ЁШЛИК ТОНГИ

РЕПОРТАЖ

<> <>

Ёшлик — умр баҳорининг олтин даври! Ёшлик — жўшқинлик, орзу-умидлар фасли! Ёшлик бор жойда шодлик бор, гул, гўзаллик, куй, қўшиқ бор.

Куни кеча қўёшли диёримизнинг азамат пойтахти Тошкентда бўлиб ўтган шодлик байрами ана шу ёшликни мадҳ этувчи тантанага айланиб кетди. Бу ажойиб байрамнинг Совет ёшлари куни нишонланаётгани янада завқ-шавқли, салобатли руҳ касб этди.

Шаҳримиз узра оқшом тушиши билан илм масканлари — мактаблар қучоғи ўқувчилар билан гавжум бўлди. Ўнинчи синфни тугатиб ҳаётга — илк бор йўлланма олаётган ёшлар гурунгида қатнашиш истаги билан Октябрь райони. даги Ғафур Ғулом номли 169-ўрта мактабга олиб келди. Мактаб ҳовлиси ороишта, гуллар, дарахтлар Ильич чироқлари нурида яшнаб турибди. Дид билан безатилган столлардаги ноз-неъматлар ҳудди тўй маросимини эслатади. Дастурхон атрофида ўтирган йигит-қизлар чеҳрасида қувноқ табассум, улар ҳаяжонли дақиқаларни кўнгилдан кечирмоқдалар. Ҳар бирининг дилида ширин орзулар, эзгу истаклар...

— Бугунги кун, ҳозирги ҳаяжонли дақиқаларни сира унутиб бўлмайди. Мустақил ҳаётга йўлланма — етуклик гувоҳномасини олган ҳамма йигит-қизларимизни қизғин табриклайман, — дейди кечани очар экан мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Муҳаррам Одилова.

Мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Жалил Мўминов медалистлар рўйхатини ўқиб берар экан, қарсаклар янграйди. У энг яхши ўқувчиларга Мақтов ёрлиқлари топширади.

Шуидан сўнг ўйин-кулги бошланиб кетди. Бу ерга меҳмон бўлиб келган маданий-оқартув техникумининг талабалари — ёш санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Мунира Юсуповага сўз берилганда ҳамма сукут сақлаб уни тинглади. Мунира аъло хулқи ва намунали ўқиганлиги учун олтин медаль билан тақдирланган ўқувчи. У бўш вақтларида адабиётга, айниқса поэзияга қизиқиб, шеърлар ёзиб туради. Бу кечада у ўзининг «Бахтимни куйлайман» номли шеърини баланд руҳ билан ўқиди:

Шод туғилдим — шод яшайман мен,
Ғаму андуҳ мангу бегона.
Гулгун ҳаёт, гул диёримни
Ва бахтимни куйлайман ёна.
Бахту шодлик, эрку истиқбол
Умрим бўйи менгадир йўлдош.
Озод қизман — тақдири порлоқ,
Партиям бор — қалбимда қуёш.

Ўйин-кулги давом этади. Табрик сўзлари қўшиқ билан, куй эса шеър билан алмашиниб, шодиёна қизиғандан қизиғади.

Соат тунги 1. «Тошкент тонги» шодиёнасида қатнашиш учун ҳамма битирувчилар ўз ўқитувчилари раҳбарлигида махсус автобусларга чиқишади. Автобуслар тунги Тошкент кўчалари бўйлаб сайрга бошлайди.

Биз мактаб директори Муҳаррам Одилова билан гурунглашиб кетдик.

— Бу йил учта ўнинчи синфда 117 нафар ўқувчи таълим олиб, етуклик аттестатига эга бўлди. Саккиз ўқувчи олтин, икки ўқувчи кумуш медалига сазовор бўлишди, — дейди Муҳаррам опа ғурур билан. — Мактабимиз асосан эстетик тарбия проблемалари бўйича иш олиб боради. Мактабда бир неча тўгараклар бор. Анвар Левиев раҳбарлик қилаётган биргина ўзбек миллий оркестрига 400 дан ортиқ ўқувчи қатнашади. Спорт ишлари яхши йўлга қўйилган.

Мактабда эстетика кабинети, Ленин музейи ташкил этилган. Янги асбоблар билан жиҳозланган техника воситалари кабинети айниқса диққатга сазовордир. Ота-оналар маданият университети ва лекторийси мунтазам машғулотлар ўтказиб туради.

Йил-йўлакай битирувчи ўқувчилар билан ҳам суҳбатлашиб кетдик. Олтин медаль билан тақдирланган Ойдин Қодирова, Абдуғафур Абдумажидовларнинг орзуси катта — шифокор бўлиш. Лаълихон Мирюнусова шарафли касб — журналистликни танлабди. Махсуда Мамажонованинг жондили санъат. У ҳаваскорлик тўгарагида қатнашиб, рақс санъатини мукаммал эгаллаб бормоқда. Махсуда Ленинград, Боку, Ростов-Дон, Хоразмда бўлиб, у ердаги санъат мухлисларининг олқишига сазовор бўлган. Махсуданинг асли орзуси химик бўлиш. Яхши истак. Илмда — олима, санъатда — юлдуз бўлишлик йўлида унга оқ йўл тилаймиз!

Ширин суҳбатлар билан Ленин майдонига келиб қолганимизни ҳам сезмабмиз. Бу ердаги катта гурунгга қўшилиб кетдик. Тантаналар хиёбони нурли тун қўйнида ўзгача чирой касб этган. Гуллар, байроқлар, шиорлар... Ўртада катта сурат — йигит билан қиз келажакка, истиқболга умид билан боқиб турибди. «Тошкент тонги» байрами» сўзлари нурда жилваланади. Шаҳарнинг 164 та мактабини битирган 11 мингдан ортиқ йигит-қизларни ўз бағрига олган улкан майдон жонли денгиздай чайқалади. Ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба, қўшиқ ва куй авжида...

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова йиғилганларни «Тошкент тонги» байрами, ёшлик бахт келажак-истиқбол, ҳаёт тонги билан қизғин кутлайди. 90-мактабнинг республикада хизмат кўрсатган ўқитувчиси М. Алиева, 71-мактаб талабаси Д. Соатовалар ҳам ўз юрак сўзларини изҳор этишди. 174-мактабнинг битирувчиси Нелла Валямова битирувчи ўқувчиларнинг шаҳар комсомолларига мурожаатномасини ўқиб эшиттиради.

Майдонда ҳозир бўлган хамма мактабларнинг медалистлари ҳурмат даврасина айланиб чиқишаркан қарсаклар, мусиқалар янграб уларни шарафлайди.

Улкан майдоннинг турли жойларида ўрнатилган кўчма саҳналарда шаҳар ва район маданият уйлари ҳаваскорлари ранг-баранг программада концерт беришди. Бир томонда кинофильм намойиш этилса, бир ёнда кўчма буфетлар, дўконлар харидорлар билан гавжум. Махсус ўрнатилган стендда алоқачилар табрик телеграммаларини ёзиш билан банд.

«Тошкент тонги» байрами зўр кўтаринки руҳ билан ўтди. Оппоқ тонг отди. Бу тонг — ёшлик тонги, бахт тонги, меҳнат ва ижод, орзу ва умид, истиқбол ва ҳаёт тонги!

А. ЮСУПОВ,
А. МАЪЗУМОВ.
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТДА: Шу мактабни битирибчиққан ўқувчилардан бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Классик куйлар, 9.30 — Қўшиқлар, 10.30 — Опералардан парчалар, 11.15 — «Фан оламида», 11.25 — Чолғу куйлари, 12.15 — «Замондошларимиз» (русча), 13.30 — Куйлар, 16.10 — «Композитор Қора-Қораевнинг ижоди», 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Республика далаларида» (русча), 18.10 — Концерт, 18.40 — Спорт, 19.20 — Экран куйлари, 20.00 — **«Ёшлик» программаси**, 20.30 — Концерт, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Кечки концерт, 22.20 — Вальслар, 22.40 — В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан, 23.00 — Футбол. «Шахтёр» (Донецк) — «Пахтакор» (Тошкент).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар**, 18.15 — **Ивашечка** (рус халқ эртаги), 18.25 — **Ленинча ГОЭЛРО плани — амалда** (Ўзбекистон гидроэнергетикасининг тўнгичи).

Ўзбек тилида: 18.35 — **Телеянгиликлар** 18.50 — **«Октябрь» программаси.** Т. Ўрозбоев, 19.20 — **Ярим аср йилномаси. 1942 йил** (кўп серияли ҳужжатли фильм), 20.15 — **Адабий меросимиз ойнаи-жаҳонда**, 20.45 — **Қардош республикалар композиторлари.** М. Тулебоев, 21.25 — **Доктор Вера.** (бадиий фильм, рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Ўқув эшиттиришлари программаси. Математика**, 19.00 **Физика.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Қувноқ ёз — ўтмоқда соз**, 20.20 — **Дўстлик саҳифалари. Советлар мамлакати ва Шарқ халқларининг ленинча ҳамкорлиги**, 20.35 — **Балет кечаси.**

Рус тилида: 21.00 — **Яман. 1968 йилнинг февралида** (ҳужжатли фильм) 21.20 — **Гуноҳкор фариштa** (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VII да **Навоий Астрободда**, 4/VII да **Икки билагузук.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот Давлат комитети, Ўзбекистон журналистлар союзи, полиграфия корхоналари, китоб нашриётлари ва китоб савдоси коллективлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мусо Тошмуҳаммедович ОЙБЕКНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этадилар

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти дирекцияси, партия ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг бош муҳаррири

Мусо Тошмуҳаммедович ОЙБЕКНИНГ

узоқ давом этган оғир касаллиндан сўнг вафот этганини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этадилар.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда университет коллективи атоқли Ўзбек шоири, академик, СССР Давлат ҳамда Ҳамза номидаги республика мукофотларининг лауреати.

Мусо Тошмуҳаммедович ОЙБЕКнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ва СССР адабиёти фондининг Ўзбекистон бўлими правлениеси совет адабиётининг атоқли арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР Давлат мукофоти лауреати ҳамда Ҳамза номидаги республика мукофотининг лауреати

Мусо Тошмуҳаммедович ОЙБЕКнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ўқувчи мамлакатларда

Самимий қутловлар

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг жамоатчилиги Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси, Германия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун, тинчлик ва социализм иши учун, империализм ва фашизмга қарши оташин курашчи Вальтер Ульбрихт туғилган кунининг 75 йиллигини нишонлади.

Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг биносида юбилярга қутловларни тантанали топшириш маросими бўлди.

КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний В. Ульбрихтни чин кунгилдан қардошларча табриклаб, унга яхши истаклар изҳор қилди. У юбилярга Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва СССР Олий Совети Президиумининг табрикномасини, шунингдек «Октябрь Революцияси» орденини топширди. СССР Олий Совети Президиуми В. Ульбрихтни юбилейн муносабати билан шу орден билан мукофотлаган эди.

ИРОҚ ОЛИМИНИНГ ТААССУРОТЛАРИ

Таниқли араб олими Абдул Ҳамид Алалавчи икки ҳафта давомида Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турди. У маданий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида СССР билан Ироқ ўртасида тузилган битимга мувофиқ мамлакатимизнинг энг муҳим илмий марказлари бўйлаб сафар қилиб юрибди. Меҳмон Совет Иттифоқининг қадимий қўл ёзмалар сақланадиган кутубхоналаридаги араб қўл ёзмаларини қидириш билан шуғулланмоқда.

Тадқиқотчи Ленинград ва Тошкентдаги шарқ қўл ёзмалари тўпламларидан, меҳмоннинг айтишича, унинг ватани олимларини шубҳасиз қизиқтирувчи бир қанча қўл ёзмаларини топишга муваффақ бўлди. Ўтган даврларнинг ана шу ҳужжатлари орасида жуда нодир ҳужжатлар ҳам бор, деди бағдодлик олим. Абдул Ҳамид Алалавчи айтдики, совет олимлари билан жумладан, Ўзбекистон шарқшуносларидан билан яқиндан алоқа боғлаганлигим менинг сафаримдаги асосий муваффақият бўлди. Олим бу алоқалар бундан бўён ҳам давом этади, деди.

Абдул Ҳамид Алалавчи 1 июнда Ўзбекистон пойтахтидан жўнаб кетаётиб ЎзТАГ мухбирига қуйидагилар айтди:

—Мен Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида ўзбек халқи эришган жуда катта ютуқларни ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилдим. Мен бу ерда ишсизликни ҳам, очликни ҳам ҳаёлига келтирмайдиган бахтиёр кишиларни кўрдим. Бу кишилар, бугунгидан ҳам янада гўзал истиқболни яратиш учун меҳнат қилмоқдалар. Мен ишонаманки, агар буюк шоир Алишер Навоий ҳаёт бўлганида, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда юз бераётган улуғ тарихий босқични ўз асарларида муносиб акс эттирган бўлур эди. Қишлоқ хўжалиги, экономика, санъат, маданият, фан соҳасида ўзбек халқи эришган муваффақиятлар мени жуда қувонтирди. Мен Тошкентдан кетаётиб, шуни айтишим мумкинки, социалистик қурилишда ва уни янада равнақ топтиришда Ўзбекистон республикасига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Халқаро темада

НАТО—КЕСКИНЛИК МАНБАИ

НАТО кенгаши корчалонлари бу ҳарбий-сиёсий блокнинг Исландия пойтахти Рейкьявикда 24-25 июнда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясини НАТО «ўзгариб бораётганлигини» билдирувчи далил қилиб кўрсатишга уриндилар, уни ҳатто «тинчлик воситасига айланаётган ташкилот» деб даъво қилмоқчи бўлдилар. Сессия очилмасдан олдиноқ ғарб матбуоти НАТО ва Варшава Шартномаси қуролли кучларини ўзаро қисқартиришга доир қандайдир «жуда конкрет ва равшан» таклифлар бор, деб даъво қилиб, буни кўкларга кўтариб мақтади. «Вашингтон пост» газетаси, сессия «кескинликни юмшатиш оҳанги» остида очилди, деб даъво қилди.

Сессия тугаб, министрлар ўз мамлакатларига жўнаб кетишди. Энди мазкур даъволарнинг ҳақиқатга қанчали яқинлигини текшириб кўриш мумкин. Сессиянинг якунловчи ахборотида НАТОнинг «тинчликсеварлиги» тўғрисида ёзилган сўзлар оз эмас. Лекин ҳаммага яхши маълум бўлган агрессивлик оҳанглари «кескинликни юмшатиш оҳанглирини» босиб кетганлиги мазкур ахборотда кўриниб турибди. Ахборот «ҳавфсизлик манфаатларини таъминлашни» ва «НАТО қуролли кучларининг самарадорлигини оширишни талаб қилади». Қуролсизланишга доир «энг конкрет» тадбирларга келганда бу таклифлар ҳеч бир мажбурият юкламайдиган дабдабали декларациялардан иборат эканлиги маълум бўлиб қолди. Буни ғарб пропагандаси ҳам эътироф қилишга мажбур бўлди. «Нью-Йорк таймс» газетаси мақталган таклифлар «яқин келгусида ҳақиқатдан музокаралар бошлашга чақирувчи даъват эмас» деб очиқ ва равшан қилиб айтмоқда.

Бундай бир ҳақли савол туғилади: Хўш, НАТО корчалонларига ўзларини «кескинликни юмшатиш оҳанглирини» чалаётган қилиб кўрсатиш нимага керак бўлиб қолди? Маълумки, улар «Совет таҳдиди» деган сохта даъволар билан йигирма йилдан бери НАТОнинг «бирлигини» сақлаб келдилар. Бу афсона пучга чиққан, ғарб жамоатчилиги эса кескинликни чинакам юмшатишни талаб қилаётган ҳозирги вақтда эса НАТО корчалонлари тактикани ўзгартирмоқдалар. Улар НАТОни кескинликни мана шундай юмшатишга эришиш учун қулай восита қилиб кўрсатмоқчилар.

Зотан АҚШ ва унинг шериклари эски пропаганда қуролидан бу сафар ҳам фойдаланишди. Ўрта денгизда «Совет таҳдиди» тўғрисидаги масала мана шу тарзда вужудга келди. Рейкьявикдаги сессияда бу масалани муҳокама қилишга анчагина ўрин берилди ва шундан фойдаланиб туриб, НАТО корчалонлари шу районда НАТО қуролли кучларининг самарадорлигини ошириш тўғрисида ҳақиқатдан конкрет қарорлар қабул қилдилар. Шу нарса диққатга сазовордирки, Франция вакили ахборотнинг бу моддасига имзо чекишдан бош тортди. «Вашингтон пост» газетасининг ҳабарига қараганда, ҳатто Франция «сессиянинг бошқа қатнашчиларидашном беришга» ҳаракат қилган ва сизларнинг «Совет Қуролли Кучлари кўпайтирилаётир» деган гапингизни исботлайдиган фактлар йўқ, деб очиқ айтган.

НАТО министрлари сессия арафасида «Берлин можароси» деган масалани ўйлаб чиқариб, бошқача пропаганда найрангини ҳам ишлатдилар. Улар Германия Демократик Республикаси ҳукумати томонидан жорий қилинган ва халқаро практикада одат қаторига кирган паспорт-рухсатнома олиш қоидаларини Германия Федератив Республикаси билан Ғарбий Берлин ўртасида «бемалол қатнашни хавф остида қолдирди», деб эълон қилдилар ва «жавоб чоралари» кўришга чақирдилар. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу масалада Ғарбий Германия диверсиячилик ролини ўйнади. Англияда чиқадиган ҳафталик «Трибюн» газетасининг таъбири билан айтганда, ҳозир Ғарбий Германия «НАТОга аъзо бўлган ҳамма мамлакатларнинг сиёсий йўлини белгилаб бермоқда».

Франсияда чиқадиган «Комба» газетасининг кўпларга маъқул бўлган фикрига қараганда, «Берлин масаласини муҳокама қилиш НАТОнинг обрўйини тиғин ҳам пасайтириб юборди, ваҳолонки бусиз ҳам унинг обрўйи жуда тушиб кетган эди». Газета бу масалани қўйишга нималар сабаб бўлганини изоҳлаб, бундай деб ёзади: Атлантик иттифоқнинг бузилиши тезлашиб кетганлиги сабабли унинг ташкилотчилари бу иттифоқ яна бирор нимага яраб қолади деб жаҳонга исбот қилмоқ учун энг кичкина имкониятларини ҳам қўлдан бермасликка уринмоқдалар».

Рейкьявикдаги сессия, башарти НАТОда бирор ўзгариш рўй берган бўлса, бу ўзгариш фақат унинг пропаганда тактикасидаги ўзгаришдагина иборат бўлганлигини кўрсатди. Европадаги ва бутун дунёдаги кескинликнинг манбаи бўлган бу ҳарбий-сиёсий блокнинг моҳияти сира ўзгаргани йўқ.

С. ИВАНОВ,
В. ВОШЕДЧЕНКО.
(ТАСС).

ЧССР Миллат Мажлисида

ПРАГА, 28 июнь. (ТАСС). Чехословакия Социалистик Республикаси Миллат Мажлисининг Чехословакия пойтахтида беш кун давом этган сессияси ўз ишини тамомлади.

Депутатлар Миллат Мажлисининг раиси Е. Смрковскийнинг Чехословакия парламент делегациясининг СССРга қилган визити тўғрисидаги ахборотини тингладилар ва эътиборга олдилар.

Сессия ЧССРнинг федератив тузумини тайёрлаш тўғрисидаги қонун, реабилитация қилиш ҳақидаги қонун, матбуот ҳақидаги қонунни ўзгартириш тўғрисидаги қонунни муҳокама қилди ва маъқуллади. Гражданларнинг социал таъминотига доир қонунлар ҳам қабул қилинди. Депутатлар ЧССРнинг янги конституциясини тайёрловчи комиссия таъсис этиш тўғрисида Миллат Мажлиси президиуми таклифини маъқуллладилар.

Сессия Миллат Мажлиси, Словакия Миллат Кенгаши, Миллат комитетлар, область ва район судлари фаолияти муддатини йил охиригача узайтириш тўғрисида киритилган янги конституция қонунини яқдиллик билан маъқуллади.

Мажлис ЧССРнинг 1967 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади. Давлат бюджети бўйича даромадлар 124,5 миллиард крон, ҳаражатлар — 127,3 миллиард крон бўлган.

Солиқлар кўпаймоқда

ВАШИНГТОН, 29 июнь. (ТАСС). АҚШ президенти Жонсон кеча мамлакатда даромад солигини 10 процент оширишни кўзда тутувчи қонуни имзолади. Бу тадбир 1969 молия йилида хазинага қўшимча 15 миллиард доллардан ортиқ маблағ келтириши керак.

АҚШ ҳукумати 25 миллиард доллардан иборат бюджет дефицитини камайтириш учун даромад солигини оширишга мажбур бўлди. Бу дефицит биринчи навбатда Вьетнамдаги разил урушда ҳаражатлар кўпайиб кетаётганлигидан вужудга келган.

ШАХМАТ ОЛАМИДА

ДАЪВОГАРЛАР «ЖАНГ»И

Утган йилнинг охирларида Африка қитъасининг шимолидаги Тунис мамлакатида зонараро турнир ўтказилиб, жаҳон чемпионлигига даъвогарлардан бештаси аниқланди. Шу ҳуқуқни берувчи олтинчи ўрин учун гроссмейстер: Леонид Штейн (СССР), Властимиль Горт (Чехословакия) ва Самуил Решевский (АҚШ) ўртасида талаш бўлиб қолди. Шартга нўра, февраль ойида улар ўзаро яна иккитадан партия ўйнашди. Гроссмейстерлар тўрттадан очко олишди. Энди нима қилиш керак? Уларнинг қайси бири даъвогар даражасига кўтарилади? Бу ҳол ҳам олдиндан чамалаб қўйилган эди. Тунисдаги кучлироқ рақибларга қарши энг яхши кўрсаткичга эришган Самуил Решевский чемпионлик учун курашни давом эттирадиган бўлди.

1965 йили ўтказилган даъвогарлар матч турнирида ғолиб чиқиб, Петросян билан жаҳон чемпионлиги учун беллашган Борис Спасский ва у билан финалда учрашган собиқ жаҳон чемпиони Михаил Таль ҳам даъвогарлар сафидан жой олдилар. Жаҳон мамлакатларида юзга яқин гроссмейстер, мингга якин мастерлар бор. Шулар орасидан саккиз азамат отилиб чиқиб, жаҳон шахмат «тоғи»га «тажовуз» қила бошлади. Лекин яхшиларнинг ҳам яхшиси бор-да! Шахмат аҳли икки ой мобайнида саккиз паҳлавон жангини зўр мамнуният билан кузатиб борди. Ниҳоят, дастлабки баҳсолишувлар тугаб, даъвогарларнинг ярми пўнг тўрттаси сафдан чиқишга мажбур бўлди. Хўш, чорак финал матчларда кураш қай йўсинда ўтди?

ГЕЛЛЕР ЯНА САФДАН ЧИҚДИ

Уч йил аввал ўтказилган матчларда Борис Спасский чорак финалда эстониялик гроссмейстер Пауль Кересни енгиб, ярим финалда Геллер билан учрашган эди. Ушанда у Геллердек забардаст шахматчи устидан 5,5 : 2,5 ҳисобида ғолиб келган эди. Буни қарангки, уч йилдан сўнг улар яна бир-бирларига рўпара бўлишди. Бу сафар ҳам матчнинг саккиз партияси ўйналди, холос. Қолган икки партияни ўйнашга аввалгисиден ҳожат қолмади: саккизтадан 5,5 очкони олган Спасский яна ғолиб чиқди. У бу сафар ҳам уч ўйинни ютиб бештасини дуранг қилди. Ефим Геллер куч жиҳатидан ўзидан анча ёш рақибидан кам бўлмаса-да унинг кушандасига айланиб қолганини тан олди деса бўлади. Бу ғалаба Спасский мавқеини янада мустаҳкамлади.

ТАРАФ КАМ

Собиқ жаҳон чемпиони Михаил Таль билан югославиялик Светозар Глигорич матчи бошқачароқ тус олди. Белградда ўйналган бу матчнинг дастлабки партияси 45 яшар гроссмейстер Глигоричнинг 32 яшар Таль устидан эришган ғалабаси билан якунланди. То ўйин тексти турлича мамлакатларга бориб етгунча мухлислар ҳар хил хулосаларга бордилар. Аслида, устунлик совет гроссмейстери томонида бўлиб, кейинчалик у ўзига ортиқча эрк бериб юбориши натижасида ана шундай ҳол юз берган экан.

Шахмат комбинацияларининг ажойиб устаси Таль қулай пайт келишини кутар, ана шунда устма-уст зарбалар беришга шайланарди. Ниҳоят шундай бўлди. Олтинчи ва еттинчи учрашувларда Глигорич мағлубиятга учради. Саккизинчи ўйинда Таль яхшироқ вазиятга эга бўла туриб дурангга рози бўлди. Тўқкизинчи партия охирги учрашув бўлди. Буни ҳам ютган собиқ жаҳон чемпиони Таль 5,5 : 3,5 ҳисобида устун келди.

ЮТҚИЗСА ҲАМ РЕШЕВСКИЙГА БАЛЛИ

Амстердамдаги чорак финал матч ҳам якунланди. Совет Иттифоқининг уч марта чемпиони ленинградлик гроссмейстер Виктор Корчной америкалик 57 яшар Решевский устидан 5,5 : 2,5 ҳисобида ишонарли ғалабага эришди. Бу билан у кенса гроссмейстернинг йигирма йилдан бери давом этиб келаётган норозиликларига чек қўйди деса бўлади. Решевский: «Менга жаҳон чемпионини рўпара қилинглар, хеч қачон мен матчни бой бермаганман», деб жар солардик. — Ахир у тенгдоши Михаил Ботвиннникдан ибрат олса бўлмасмикин? — деган фикрга келганларнинг сони йўқ эди. Лекин шу ёшда ҳар қандай шахматчи ҳам жаҳон чемпионлигига даъвогар даражасига кўтарила олмаслигини назарда тутилса, Решевскийга қойил қолмай илож йўқ.

ЛАРСЕН ЗЎР ЧИҚДИ

Данияли гроссмейстер ҳали Портишни енгмай туриб: «Петросяндан «тоғ»ни олиш учун Тални енгишим керак» дебди бир мухбирга. Тўғри, шу пайт чорак финалда венгриялик Лайош Портишни 2,5 : 0,5 ҳисобида эзиб турган эди. Етти ўйиндан сўнг хисоб тенглашгач Ларсен жиниб қолди. Ғалабадан руҳланган Портиш саккизинчи ҳамда тўқкизинчи партияларда мақтанчоқ рақибини жуда қийнади. Лекин вужуди билан ҳимояга ўтган Ларсен ҳеч нимнинг тушига ҳам кирмаган йўлларни топишга, бинобарин, иккала ўйинни ҳам дуранг қилишга муваффақ бўлди. Охирги ўйинчи учрашув олдидан рухий тетиклик даниялликка ўтди. Ҳал қилувчи бу ўйин 30 юришга ҳам бормади: Ларсеннинг стратегия ва тактикаси тантана қилди 5,5 : 4,5 ҳисобида Бент Ларсен ғолиб чиқди.

* * *

Чемпионлик учун курашни энди тўрт гроссмейстер давом эттиради. Буларнинг учтаси совет шахматчилари. Шартга кўра Борис Спасский Бент Ларсен билан, Михаил Таль эса Виктор Корчной билан ярим финал матч ўйнайдилар.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

ЯДРО ҚУРОЛИ ТАРҚАТМАСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ ИМЗОЛАНИШИ

ЛОНДОН, 1 июль. (ТАСС). Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида айни бир вақтда Москвада ва Вашингтонда имзоланган шартномани бугун Лондондаги «Ланкастер Хауз» биносида ташқи ишлар министри М. Стюарт, СССР нинг Буюк Британиядаги элчиси М. Н. Смирновский, АҚШнинг Буюк Британиядаги элчиси Д. Брюс имзоладилар.

Лондонда шартномани Афганистон, Австрия, Болгария, Венгрия, Дания, Эрон, Исландия, Лаос, Ливан, Непал, Никарагуа, Норвегия, Бирлашган Араб Республикаси, Польша, Руминия, Сомали, Тунис, Чехословакия, Финляндия, Цейлон элчилари ва ишлар вакиллари ҳам ўз ҳукуматлари номидан имзоладилар.

Шартномани тантанали имзолаш маросимида Буюк Британия бош министри Г. Вильсон ҳозир бўлди.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома, деди Вильсон, қуролланиш устидан контрол ўрнатишга ва қуролсизланишга қаратилган жуда муҳим чорадир. Бу шартнома ғоят муҳим масалаларда Шарқ билан Ғарб халқаро хавфсизлигини таъминлаш йўлида бирга меҳнат қилишлари мумкинлигини кўрсатувчи далилдир.

СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси М. Н. Смирновский ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши халқаро аҳамиятга эга жуда муҳим воқеа деб тафсифлади. Бу шартнома, деди совет элчиси, ҳам ядроли, ҳам ядросиз кўпгина давлатлар коллектив бўлиб ҳаётий ва ғайрат сарфлаганликларининг натижасидир. Бу шартнома шунинг учун ҳам муҳимдирки, у ядро қуролининг тарқалишини олдини олиш проблемасини самарали ҳал қилиб беради ва шу тариқа ядро урушининг бошланиб кетиш эҳтимолини камайтиради.

Элчи М. Н Смирновский Совет ҳукумати ер қўррасидаги халқларнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида бундан бўён ҳам бутун куч ва ғайратини сарфлашга тайёр эканлигини уқтириб ўтди.

Буюк Британия ташқи ишлар министри М. Стюарт ва АҚШнинг Буюк Британиядаги элчиси Д. Брюс ҳам ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома имзоланганлигидан мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

...ет центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28, Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Маъсул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216, Халқаро ҳаёт — В37604, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалиги — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 3—08, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б № 152. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 16541.